

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

МАТЕМАТИКАДА ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

2021

Дурдиев Д.Қ. физика-математика фанлари
доктори, профессор

Шодмонов И.У. ўқитувчи



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“МАТЕМАТИКАДА ИНФОРМАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Математика

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: Д.Қ.Дурдиев физика-математика фанлари доктори, профессор.
И.У.Шодмонов ўқитувчи

Такризчилар: А.Р.Хаётов физика-математика фанлари доктори, профессор.
Ҳ.Р.Расулов физика-математика фанлари номзоди, доцент.

**Ўқув -услубий мажмуа Бухоро давлат университети Илмий
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “30” декбардаги 9-сонли баённома)**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	11
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	16
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	107
V. ГЛОССАРИЙ	185
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	188

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

“Математикада инфор­ма­цион технологиялар” модули ҳозирги кунда математикада ва математикани ўқитиш жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кўнг қўллаш бўйича, ҳамда уларнинг келажакдаги ўрни масалаларини қамрайди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

«Математикада инфор­ма­цион технологиялар» модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг бу борада мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тўпланган математика фанларини инфор­ма­цион технологиялар асосида ўқитишнинг замонавий усулларини ўрганиш, амалда қўллаш, кўникма ва малакаларини шакллантириш.

«Математикада инфор­ма­цион технологиялар» модулининг вазифалари:

- математика фанини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали тадбиқ этилишини таъминлаш;
- математика соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялар ва ўқитишнинг энг сўнгги замонавий усуллари­дан фойдаланишни ўргатиш;
- тингловчиларга «математика» масалалари бўйича концептуал асослар, мазмуни, таркиби ва асосий муаммолари бўйича маълумотлар бериш ҳамда уларни мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш;

Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малака ва компетентлигига қўйиладиган талаблар

«Математикада инфор­мацион технологиялар» модулини

ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

- математик масалаларни математик тизимларда ечишни ва стандарт функциялардан фойдаланишни;

- MathCAD ва Maple тизимларида математик анализ масалаларини ечишни;

- MathCAD ва Maple тизимларида графика элементларини;

- LATEX системасида матнларни форматлаш ва тақтимотлар тайёрлашни **билиши** керак;

- математик фанларни ўқитишда инновацион таълим методлари ва воситаларини амалиётда қўллаш;

- талабанинг ўзлаштириш даражасини назорат қилиш ва баҳолашнинг назарий асослари ҳамда инновацион ёндашув услубларини тўғри қўллаш олиш **қўникмаларига эга бўлиши** лозим.

- математикани ўқитиш инновацион жараёнини лойиҳалаштириш ва ташкиллаштиришнинг замонавий усулларини қўллаш **малакаларига эга бўлиши** лозим;

- математикани ўқитишда фойдаланиладиган замонавий (matlab, mathcad, maple, GeoGebra ва бошқалар) математик пакетларини ўқув жараёнига татбиқ этиш;

- математиканинг хориж ва республика миқёсидаги долзарб муаммолари, ечимлари, тенденциялари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;

- математикани турли соҳаларга татбиқ этиш;

- олий таълим тизимида математик фанлар мазмунининг узвийлиги ва узлуксизлигини таҳлил қила олиш **компетенцияларига эга бўлиши** лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

«Математикада инфор­мацион технологиялар» модули ўқув режадаги бошқа модуллар ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари

билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг бу соҳа бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар математика фанларини ўқитишда замонавий усуллар ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишда педагогик ёндашув асослари ва бу борадаги илғор тажрибаларни ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўлиш, илмий-тадқиқотда инновацион фаолият ва ишлаб чиқариш фаолияти олиб бориш каби касбий компетентликка эга бўладилар.

Модуль бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси		
			Жами	жумладан	
				Назарий машғулот	Амалий машғулот
1.	MathCAD ва Maple тизимларида математик анализ масалаларини ечиш.	4	4	2	2
2	MathCAD ва Maple тизимларида дифференциал тенгламаларни ечимини топиш.	2	2		2
3	MathCAD ва Maple тизимларида графика элементлари	4	4	2	2
4	MatLab тизимида математик анализ масалаларини ечиш.	4	4	2	2
5	LATEX системасида матнларни форматлаш ва тақтимотлар тайёрлаш.	4	4	2	2
	Жами	18	18	8	10

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**1–Мавзу: MathCAD ва Maple тизимларида математик анализ масалаларини ечиш.****Режа:**

1. MathCAD ва Maple тизими. Математик ифодалар ва функциялар.
2. Алгебра ва сонлар назарияси масалаларини ечиш.
3. MathCAD ва Maple тизимида математик анализ масалаларини ечиш.
4. Дифференциал тенгламаларни умумий ечимини топиш.

2–Мавзу: MathCAD ва Maple тизимларида графика элементлари.**Режа:**

1. MathCAD ва Mapleда функция графиги параметрларини созлаш.
2. MathCAD ва Mapleда икки ва уч ўлчовли графика.
3. Анимация.
4. MathCAD ва Mapleда дастурлаш элементлари.

3–Мавзу: MatLab тизимида математик анализ масалаларини ечиш.**Режа:**

1. MatLab тизими ва унинг интер­фейси.
2. Математик тизимида математик ифодалар ва функциялар.
3. MatLab тизимида математик анализ масалаларини ечиш.
4. GeoGebra икки ва уч ўлчовли графика.

4–Мавзу: LATEX системасида матнларни форматлаш ва тақтимотлар тайёрлаш.**Режа:**

1. LATEX тизими ва унинг интер­фейси.
2. LATEX тизимида ҳужжат яратиш ва матнларни форматлаш.
3. LATEX тизимида жадвал ва графиклар тузиш.

4. LATEX тизимида математик формулалар ёзиш ва так­ти­мот­лар тайёрлаш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1–Мавзу: MathCAD ва Maple тизимларида математик анализ масалаларини ечиш.

Режа:

1. MathCAD ва Maple тизими.
2. Математик ифодалар ва функциялар.
3. Алгебра ва сонлар назарияси масалаларини ечиш.

2–Мавзу: MathCAD ва Maple тизимларида дифференциал тенгламаларни ечимини топиш.

Режа:

1. MathCAD ва Maple тизимида математик анализ масалаларини ечиш.
2. Дифференциал тенгламаларни умумий ечимини топиш.
3. ОДТ учун Коши ва аралаш масалаларни ечиш.

3–Мавзу: MathCAD ва Maple тизимларида графика элементлари.

Режа:

1. MathCAD ва Mapleда графика элементлари, функция графиги параметрларини созлаш.
2. Гистограмма, ранг ва ёруғлик эффектлари.
3. MathCAD ва Mapleда икки ва уч ўлчовли графика.
4. Анимация.
5. MathCAD ва Mapleда дастурлаш элементлари, процедура ва функция яратиш воситалари.

4–Мавзу: MatLab тизимида математик анализ масалаларини ечиш.

Режа:

1. MatLab тизими ва унинг интерфейси.
2. MatLab тизимида математик ифодалар ва функциялар.
3. MatLab тизимида математик анализ масалаларини ечиш.
4. GeoGebra икки ва уч ўлчовли графика.
5. MatLab тизимида дастурлаш элементлари.

5–Мавзу: LATEX системасида матнларни форматлаш ва тақтимотлар тайёрлаш.

Режа:

1. LATEX системасида матнларни форматлаш воситалари.
2. LATEX системасида жадвал ва графиклар тузиш.
3. LATEX системасида математик формулалар ёзиш.
4. LATEX системасида тақтимотлар тайёрлаш.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ АҚЛИЙ ХУЖУМ МЕТОДИ

Ақлий хужум - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий хужум» методи бирор муаммони ечишда талабалар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий хужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга талабаларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Талабалар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга талабалар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий хужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

Ақлий хужум методидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан талабаларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабалар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

Вазифаси. “Ақлий хужум” қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хилли - лигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ янада жипслашади.

Объекти. Қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида

(ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради) асқотади.

Қўлланиш усули. “Ақлий хужум” иштирокчилари ол­дига қўйилган муаммо бўйича хар қандай муло­ха­за ва таклифларни билдиришлари мумкин. Ай­тилган фикрлар ёзиб борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш им­ко­ния­тига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва хужум да­во­мида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий хужум тугагач, муҳимлик жи­ха­тига кўра энг яхши таклифлар ге­не­ра­ция­ланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

«Ақлий хужум» методи ўқитувчи то­мо­ни­дан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Талабаларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда - янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда - мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

«Ақлий хужум» методининг афзаллик томонлари:

- натижалар баҳоланмаслиги талабаларни турли фикр-ғояларнинг шакл - ланишига олиб келади;

- талабаларнинг барчаси иштирок этади;

- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;


- талабаларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш им­ко­ния­ти мавжуд;

- талабаларда мавзуга қизиқиш уйғотиш мумкин.

«Ақлий хужум» методининг камчилик томонлари:

- ўқитувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;

- ўқитувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

«Ақлий хужум» методининг таркибий тузилмаси**«Ақлий хужум» методининг босқичлари:**

1. Талабаларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Талабалар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Талабаларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

«Ақлий хужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар:

- а) Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
- б) Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
- в) Билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

Мавзу бўйича асосий тушунча ва иборалар

Замонавий таълим воситаси тушунчаси , таълим воситаси турлари,
таълим воситасини қўллаш усуллари

Кластер

Кластер - (ўрам, боғлам).
Билимларни актуаллашишини рағбатлантиради, мавзу бўйича фикрлаш жараёнига янги бирлашган тасавурларни очик ва эркин кириб боришига ёрдам беради.

«Кластерни тузиш қоидалари» билан танишадилар.
Катта коғознинг марказига калит сўзи ёзилади.

Калит сўзи билан бирлашиши учун унинг ён томонларига кичик айланалар ичига «йўлдошлар» ёзилади ва «Катта» айланага чизикчалар билан бирлаштирилади. Бу «йўлдошлар» нинг «кичик йўлдошлари» бўлиши мумкин ва х.о. Мазкур мавзу билан боғлиқ бўлган сўзлар ва иборалар ёзилади.

Мулоҳаза қилиш учун кластерлар билан алмашишади.

Гуруҳларда иш олиб бориш қоидалари

Ўзаро ҳур­мат ва илтифот кўрсатган холда ҳар ким ўз дўстларини глай олиши керак;
Берилган топшириқга нисбатан ҳар ким актив, ўзаро ҳамкорликда ва сулиятли ёндашиши керак;
Зарур пайтда гар ким ёрдам сўраши керак;
Сўралган пайтда ҳар ким ёрдам кўрсатиши керак;
Гуруҳ иш натижалари баҳоланаётганда ҳамма қатнашиши керак;
Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:
Ўзгаларга ёрдам бериб, ўзимиз ўргана­миз!
Биз бир қайиқда сузаяп­миз: ё бирга кўзлаган манзилга етамиз, ёки га чўкамиз!

Мустақил ўрганиш учун саволлар

1. Замонавий таълим воситалари деганда нимани тушуна­сиз ?
2. Замонавий таълим воситаларини турларини тушунти­ринг ?
3. Замонавий таълим воситаларини қўллаш усулларини тушунти­ринг ?
4. Ахборотларни кодлаштириш нима учун хизмат қилади ?

“Давра суҳбати” мунозарасини ўтказиш бўйича йўриқнома

1. Сўзга чиққанларни диққат билан, бўлмасдан тингланг.
2. Маърузачининг фикрига қўшилмасанг, ўз фикрингни билдиришга рухсат сўра.
3. Маърузачининг фикрига қўшилсанг, кўриб чиқиладиган масала бўйича қўшимча фикрлар билдир.

Таянч сўзлар ва иборалар:

- ❖ Алгоритм
- ❖ Объект
- ❖ Сўз
- ❖ Аниқлик
- ❖ Дискретлик
- ❖ Оммавийлик
- ❖ Тушунарлилик
- ❖ Натижавийлик
- ❖ Блок-схема

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1–Мавзу: MathCAD ва Maple тизимларида математик анализ масалаларини ечиш.

Режа:

1. MathCAD ва Maple тизими. Математик ифодалар ва функциялар.
2. Алгебра ва сонлар назарияси масалаларини ечиш.
3. MathCAD ва Maple тизимида математик анализ масалаларини ечиш.
4. Дифференциал тенгламаларни умумий ечимини топиш.

Таянч тушунчалар: Математик тизим, Reduce, Maple, Mathcad, Matlab, функциялар, дифференциал тенгламалар.

MathCAD ва Maple тизими. Математик ифодалар ва функциялар.

MathCAD ўзининг соддалиги ва универсаллиги билан ажралиб туради. Мазкур система MathSoft, Инс. (<http://www.mathsoft.com/>) компаниясининг маҳсулоти (баҳоси 818 доллар) бўлиб, фойдаланувчига тенгламаларни киритиш, таҳрирлаш, ечиш, натижаларни визуализасия қилиш, уларни хужжат шаклида расмийлаштириш ва натижаларни таҳлил қилиш мақсадида бошқа системалар билан алмашиши имкониятини беради.

Дастлаб система 1988 йилда математик масалаларни сонли ечиш мақсадида яратилган. Фақат 1994 йилдан бошлаб унга символли ҳисоблашларни бажариш функциялари қўшилган. Бунда албатта Maple системасининг символли ҳисоблашларидан фойдаланилган.

1980 йилда Maple системаси Waterloo Maple Software, Инс. (<http://www.maplesoft.com/>) компаниясида (Waterloo университети Канада) Кейт Гедд (Кейтх Геддес) ва Гастон Гоне (Гастон Гоннет) томонидан ташкил етган олимлар жамоаси томонидан яратилган (баҳоси Maple 7 версияси -1695 доллар). Дастлаб система катта компьютерларда жорий қилинган ва кейинчалик шахсий компьютерларда ишлатилган. Мазкур система символли ҳисоблашлар системаси ёки компьютерли алгебра системаси деб ҳам

аталишига ундаги символли ҳисоблашлар анча такомиллаштирилганлигидан далолат беради. Maple ҳам сонли, ҳам символли ҳисоблашларни амалга ошириш, формулаларни таҳрирлаш имконияти мавжуд. Очик архитектура, содда ва самарали интерпретатор тили Maple даги кодларни C тили кодига алмаштириш имкониятини беради. Maple кучли илмий график муҳаррирга эга.

MathCAD (Mathematical Computer Aided Design) бу математиканинг турли соҳаларидаги масалаларини ечишга мўлжалланган ажойиб системадир. Дастурнинг номланиши иккита сўздан иборат бўлиб – МАТНематика (математика) ва САД (автоматик лойиҳалаш системаси).

Mathcad ни ўрганиш жуда осон бўлиб, уни ишлатиш соддадир. Ушбу дастурни бошқариш Windows муҳитида олдин ишлаганлар учун интуитив тушинаридир. Mathcad ни жуда кўп соҳаларда содда ҳисоблашларни ҳисоблашдан тортиб то електрик схемаларни қуришгача ишлатиш мумкин.

Mathcad формула, сонлар, матнлар ва графиклар билан ишлайдиган универсал системадир. Mathcad тили математика тилига жуда ҳам яқиндир, шу сабабли унда ишлаш математиклар учун жуда осондир.

Масалан: Квадрат тенгламани илдизини топадиган формула бирор бир дастурлаш тилида $x = \frac{-b + \sqrt{b^2 - 4 \cdot a \cdot c}}{2 \cdot a}$ кўринишда ёзилса, Mathcad

да шу формула қуйидаги кўринишда ёзилади.

$$x := \frac{-b + \sqrt{b^2 - 4 \cdot a \cdot c}}{2 \cdot a}$$

Яъни математикада қандай ёзилса бу ерда ҳам худди шундай ёзилади. Mathcad ёрдамида формулалар фақатгина чиройли ёзилмасдан балки ихтиёрий масалани сонли ёки белгили ечиш имкониятига эга. Mathcad ўзининг ёрдамчи системасига егадир. Ҳар қандай тенглама атропофида ихтиёрий матнни жойлаштириш мумкин, бу еса ҳисоблаш жараёнини изоҳлаш учун жуда зарурдир.


Mathcad 2000 дастурини қуйидаги уч хил варианты мавжуд.

1.Mathcad 2000 Стандарт

2.Mathcad 2000 Профессионал

3.Mathcad 2000 Преиум

Бу дастурлар ёрдамида нафақат математикага доир масалаларни ечиш мумкин балки бу дастур ёрдамида илмий мақолалар, тезислар, диссертация ишларини, диплом ишларини, курс ишларини лойиҳалаш мумкин чунки бу дастур ёрдамида математик формулаларни, матнларни, графикларни жуда чиройли қилиб ифодалаш мумкин, яна бу дастур ёрдамида юқори даражада электрон дарсликлар ҳам яратиш мумкин.



1-расм. Mathcad 2000 дастурида ишлашга доир мисоллар.

Mathcad дастури 6 та характерли интерфейслардан иборат. (2- расмда келтирилган).

Сарлавҳа қатори – Бу қаторда хужжатнинг номи ва ойнани бошқариш тугмалари жойлашган

Меню қатори – Бу қаторда ҳар бир меню қандайдир командалардан ташкил топган.


Инструментлар панели – Белгили тугмалардан иборат бўлиб, ҳар бир белгили тугма қандайдир командани бажаради.

Форматлаш панели - Белгили тугмалардан иборат бўлиб, ҳужжатдаги белгиланган формула ёки матнни форматлашни тез амалга оширади.

Математик белгилар панели – Бу панел ҳам белгили тугмалардан иборат бўлиб, ҳар бир белгили тугма қандайдир математик амални бажаради.

Координатали чизиқ.

Юқорида келтирилган учта панелни ҳар бирини ойнани ихтиёрий жойида жойлаштириш мумкин. Бунинг учун ҳар бир панелни устида сичқончани олиб бориб чап тугмасини босиб туриб панелни ойнани ихтиёрий жойига жойлаштириш мумкин.



2- расм. Mathcadнинг 6 хил характерли интерфейси.

Mathcad 2000 дастурини ўрнатиш учун компьютер қуйидаги талабларга

жавоб бериши керак.

- Процессор Pentium ва ундан юқори.
- Компакт дискни ўқийдиган қурилма.
- Операцион система Windows 95/98-ва ундан юқори.
- Оператив хотираси 32 ва ундан юқори.
- Қаттиқ дискда 80 М байт бўш жой бўлиши керак.

Матҳематиса системаси Wolfram Research, Инс. (<http://www.wolfram.com/>) компанияси маҳсулоти бўлиб, жуда катта ҳажмдаги мураккаб математик алгоритмларни дастурга ўтказувчи воситалар мажмуасига ега (баҳоси 1460 доллар). Техника олий ўқув юртларидаги олий математика курсидаги барча алгоритмлар система хотирасига киритилган. Mathematica жуда кучли график пакетга ега бўлиб, мураккаб кўринишдаги бир, икки ўлчовли функцияларнинг графикларини чизиш мумкин. Мазкур системадан баъзи (масалан АҚШ) мамлакатлардаги олий ўқув юртлари кЭнг фойдаланилади.

Maple тизимининг имкониятлари.

Maple компьютерга ўрнатилгандан сўнг, уни стандарт 2 йўл билан ишга тушириш мумкин: 1) Windows ОТ нинг бош менюси орқали ёки 2) Иш столида яратилган ёрлик орқали. Биз Maple 9.5 версия билан ишлаймиз. Maple ойнаси Windows ОТ нинг стандарт ойнасига ўхшаш бўлиб, ойнанинг номи сатри, меню сатри, қуроллар панели, ишчи майдон, ҳолат сатри, линейка ва ўгириш лифтларидан иборат:

Асосий меню пунктлари:

Филе (Файл)- файллар билан ишлайдиган стандарт буйруқлар, масалан, файлни сақлаш, очиш, янгисини яратиш ва ҳоказо, тўпламидан иборат.

Едит (Правка)- файлларни таҳрирловчи стандарт буйруқлар, масалан, нусхалаш, ажратилган матн қисмини буферга олиш, буйруқни бекор қилиш ва ҳоказо, тўпламидан иборат.

View (Вид)- ойнани кўринишини ўзгартирувчи стандарт буйруқлар тўпламидан иборат.

Ин­серт (В­став­ка)- ойнага матнли, буйруқли майдонлар, графикларни қўйиш учун мўлжалланган буйруқлар тўпла­мидан иборат.

Фор­мат (Фор­мат)- ҳуж­жат­ни бе­заш учун иш­ла­ти­ла­ди­ган буйруқлар тўпла­мидан иборат.

Options (Параметры)- маълумотни екоанга киритиш ва чиқариш билан боғлиқ буйруқлар тўпла­мидан иборат.

Windows (Окно)- бир ишчи ойнадан иккинчи ишчи ойнага ўтиш учун мўлжалланган буйруқлар тўпла­мидан иборат.

Help (Справка)- Maple ҳақида батафсил маълумотларни ўз ичига олади.

Maple да ишлаш мулоқат (сессия) тарзида олиб борилади: фойдаланувчи Maple га экранда буйруқ билан мурожаат қилади, Maple уни қайта ишлаб экранда буйруқдан кейинги сатрга жавоб қайтаради (қуйидаги расмга қаранг). Шунга асосан, ишчи майдон шартли равишда уч қисмга бўлинади:

1)Киритиш (буйруқ) майдони-буйруқлардан иборат. Буйруқлар >с­ом­манд(п1,п2,...); (ёки :) кўри­ни­ш­га ега, қизил рангли, чапга текисланган;

2)Чиқариш (жавоб) майдони- Maple нинг киритилган буйруқга жавобидан иборат бўлиб, аналитик ифода, сонли қиймат, тўплам, график объект, хатолик ҳақидаги хабардан иборат бўлиши мумкин ва кўк рангда. Жавоб буйруқдан кейинги сатрга чиқарилади, марказга текисланган бўлади;

3)матн (коментария) майдони- фойдаланувчи томонидан киритиладиган ихтиёрий матндан иборат ва у маълумотни қайта ишлашга таъсир етмайди, ва унинг моҳиятини тушунтириш учун иш­ла­ти­ла­ди, ва қора рангли.

Интерфейс ойнасининг таркиби.

Фойдаланувчи Maple 9.5 амалий дастурлар пакетини ишга туширишнинг бир неча хил усуллари­дан фойдаланиши мумкин. Биз анашу асосий стандарт усулларни келтириб ўтишни жоиз деб билдик:

1) Масалалар панели ёрдамида

- Масалалар панелидаги “Пуск” (*Ишга тушириш*) тугмачасини босиш орқали;

- Сичқончанинг кўрсаткичини “Программы” (Дастурлар) бандига етиш

орқали;

- Сўнгра, “*Maple 9.5*” дан “*Classic Worksheet Maple 9.5*” ёки “*Maple 9.5*” ни танлаб, сичқончани чап тугмачасини босиш керак.

2) Ишчи столда мавжуд ёрликлар ёрдамида

“*Classic Worksheet Maple 9.5*” ёки “*Maple 9.5*” ни Масалалар панелидан ишга тушириш ўрнига фойдаланувчи Windows operatsion тизимининг “*Рабочий стол*” (Иш столи)да Maple 9.5 учун ёрлик яратиши ва шу ёрлик орқали Maple 9.5 амалий дастурлар пакетини юклаши яъни ишга тушириши мумкин(бу ерда ҳам шуни айтиб ўтиш керак-ки, Maple 9.5 амалий дастурлар пакети ўрнатилаётганда “*Рабочий стол*” (*Иш столи*)га дастур ёрликлари ўнатилган бўлиши мумкин).

Агар ишчи столда ёрликлар мавжуд бўлмаса, унда қуйидаги босқичларни бажариш лозимдир:

- Иш столининг бўш майдонига бориб, сичқончанинг ўнг тугмачаси ёрдамида контекст менюни очиш;
- менюдан “*Создать/Ярлык*” (*Яратиш/Ёрлик*) буйруқни танлаш;
- ёрлик яратиш мулоқат ойнасидан “*Обзор*” тугмачасини босиш керак;
- “*Program Files /Maple 9.5/bin.win*” папкасига ўтиш керак;
- “*swmaple9.5*” уoki “*maplew9.5*” бандини белгиланади ҳамда “*Открыть*” (*Очиш*) буйруқни танланади. Сўнгра “*Далее*” (Сўнгра) тугмачасини босиб, ёрликнинг номини киритилади;
- “*Готово*” (*Тайёр*) тугмачаси босилади.

Пайдо бўлган ёрлик Maple 9.5ни тез ишга тушириш имконини яратади.

Maple 9.5 тизимида қуйидаги асосий имкониятлар мавжуд:

Фойдаланувчи ихтиёрий дастурий тизимдан фойдаланиш учун унинг фойдаланувчилар билан мулоқот муҳити(**interfeys**)ни яхши билиш керак.




Биз **Classic Worksheet Maple 9.5** ва **Maple 9.5** тизимларининг **Windows operatsion** муҳитида жорий қилинган интерфейси ҳақида тўхталамиз. Фойдаланувчи томонида тизимлар ишга тушурилгандан кейин қуйида кўрсатилган интерфейс ойналар пайдо бўлади.

Ойналар олти қисмдан ташкил топган:

- Сарлавҳа сатри;
- асосий менюлар сатри;
- асосий инструмент(восита)лар панели;
- контекстли ускуналар панели;
- ишчи варақнинг майдони;
- ҳолатлар сатри.

Сарлавҳада **Maple** тизимининг белгиси ва жорий ишчи варақ файлининг номи кўрсатилади.

Асосий менюлар сатрининг ҳолати ишчи вараққа акс еттирилган ҳужжатнинг мазмунига қараб ўзгариб туради. Ишчи варақнинг фойдаланувчи томонидан маълумотлар киритиладиган қисмига **киритиш майдони** дейилади. Киритиш майдонига Mapleнинг буйруқларини, операторларини ва изоҳлар учун матн киритиш мумкин. Киритиш майдонида буйруқларни **Maple** талқинида ёки одатдаги математик ёзув талқинида акс еттириш мумкин. Натижада ушбу панелда киритиш майдони пайдо бўлади.

(2–шакл). “**Ентер**” – тугмаси босилгандан кейин киритилаётган буйруқнинг ёзуви контекстли инструментлар панелининг киритиш майдонида акс еттирилади, унга мос математик талқинидаги ёзув еса одатдаги киритиш майдонида акс еттирилади.   тугма қайта босилса, киритиш майдонидаги математик талқиндаги ёзув **Maple** талқинидаги буйруқга ўтади. Киритилаётган матнда математик формулалар бўлса, “Поместить” менюсидаги «**стандарт**» буйруғини бажариш ёки асосий инструментлар панелидаги  тугмани босиш зарур. Матнда математик формулани киритиш жараёни **Maple** нинг математик ёзувларга мос буйруқларини математик талқинда ёзишга ўхшаш.


Ойнанинг умумий кўриниши:

Сарлавҳа сатри – “ *Classic Worksheet Maple 9.5*” амалий дастурлар пакетининг сарлавҳа сатрининг умумий кўриниши(1-расм):



1-расм.

Сарлавха сатрининг чап томонида дастур номи, ўнг томонида “Свернуть” (Йиғиш), “Развернуть” (Ўйиш), “Заккрыть” (Ўпиш) тугмачалар мавжуд (2-расм).




2-расм.

Меню *сатри* – Classic Worksheet Maple 9.5 дастурида бажариладиган барча буйруқларнинг тўпламини ўз ичида мужассамлаштирган. Меню сатрида куйидаги бўлимлар мавжуд: “Филе” (Файл), “Едит” (Тўғирлаш), “Виеш” (Кўриниш), “Инсерт” (Илова), “Формат” (Бичим), “Спреадшеет” (Електрон жадвал), “Виндоус” (Ойна), “Хелп” (Ўрдам, Ма`лумотнома) (3-расм).



3-расм.

Контекстли меню *Maple* тизимида маълумотларни қайта ишлаш жараёнини тез ва қулай бажариш имконини беради. Масалан, бирор функциянинг графигини ҳосил қилиш учун функция ифодасини киритиш майдонига ёзиб, сичқонча кўрсаткичини функция ифодасига келтириб, ўнг кнопкани босиш керак. Натижада киритиш майдонига мос контекстли меню пайдо бўлади ва ундаги *Excute* буйруғини бажариш натижасида чиқариш майдонида функция ифодаси ҳосил бўлади.



Чиқариш майдонига мос контекстли менюни фаоллаштириш учун ундаги маълумотни белгилаб, сичқончанинг ўнг кнопкасини босиш керак, натижада 2-шаклдаги контекстли меню пайдо бўлади. Қирқиб олиш

Нусха олиш

Ўрнига қўйиш

Махсус ўрнига қўйиш

Конвертлаш

Тўлдириш

Формат

Maple тизимида бир сеанс давомидаги бир нечта ҳужжатлар билан ишлаш мумкин ва “Окно” менюси орқали очиқ ҳолатдаги бир ҳужжатдан бошқасига ўтиб туриш мумкин.

Кўп ҳужжатлар билан ишлашни ташкил қиладиган интрфейс МДИ-интерфейс (Multirle DocimenQInteface) деб айтилади. Maple тизимида 3 хил турадиган ҳужжат: ишчи варақ, гредикли натижа, маълумотнома мавжуд. МДИ –интерфейс фойдаланувчиларига ҳужжат турига мос буйруқларни бажаришни таъминлаш учун асосий меню ҳолатини ўзгартириб туради. Асосий менюнинг беш хил кўриниши намоён бўлиши мумкин;

- Ишчи вараққа мос стандарт меню;
- Электрон модел менюси;
- Икки ўлчамли градикка мос меню;
- Уч ўлчамли градикка мос меню;
- Маълумотнома тизимига мос меню;

Икки ўлчамли ва уч ўлчамли графикларга мос менюдаги рўйхатдаги баъзи номлар мос келса ҳам, уларнинг буйруқлар рўйхати турличадир.

Менюлар сатрининг ҳолати.

Maple - алгебра, геометрия, математик анализ, Дифференциал математика, математик –физика масалаларини ечиш учун уч мингдан ортиқ буйруққа ега бўлган, компьютерда аналитик ҳисоблашлар учун мўлжалланган пакет.


Maple ни юклаш учун Windows бош менюсидан «программы» группаси ва Maple номли банд танланади.

Maple ойнаси: сарлавҳа сатри, асосий меню, асбоблар панели, ишчи

майдон ва ҳолат сатри ва шунингдек, чизгич ва прокрутка чизикларидан ташкил топган.

Асосий меню бандлари:

1. “Файл” - файллар билан ишлашнинг стандарт буйруқлар йиғиндисидан




иборат.М: файлни сақлаш, файлни очиш, янги файл яратиш ва ҳоказо.

- Янги варақ очиш
- ...файлни юклаш
- ...Веб саҳифани очиш
- Файлни хотирада сақлаш
- ...каби хотирада сақлаш
- ...юбориш

- файлни ёпиш
- файлни босмага чиқариш
- файлни аввалдан кўриш
- босмага чиқариш параметрлари
- охирги ҳужжатлар
- файлдан чиқиш

2. “Правка” - таҳрир матнни таҳрирлш учун сатандарт буйруқлар тўпламиМ: нусхалаш...-




Охирги буйруқни бекор қилиш

- Охирги буйруқни такрорлаш
- Қирқиб олиш
- Нусха олиш
- Ўрнига қўйиш
- Тозаламоқ
- Белгилаб олиш


- Амаллар гуруҳини белгилаб олиш
- Сексияни белгилаб олиш
- Қидириш
- Мурожаатлар
- Киритиш режими
- Закладка ўрнатиш
- Бўлақларга бўлиш ва қўшиш
- Хужжатни тўла ишга тушириш
- Киритилган маълумотларни тозалаш.

3. “Вывод” (вид)- стандарт буйруқлар мажмуаси бўлиб, Maple ойнаси тузилишини бошқаради:



- асбоблар панелини фаоллаштириш
- матн ҳолатига оид асбоблар панелини фаоллаштириш
- ҳолатлар сатрини фаоллаштириш
- палитра(математик символлар)
- массштаб

- орқага
- олдинга
- берилганларни кўринмас ҳолатга ўтказиш




- ойналарни тўлиқ ёйиш
- йиғиб қўйиш.

4. “Поместить” (Вставка)- бир неча майдон типларини ишга туширади: математик матнли сатр, икки ва уч ўлчовли график муҳит.

- матн ҳолатига ўтиш
- стандарт(математик ифода кўринишига ўтказди)
- киритиш сатри


- стандарт киритиш соҳаси
- гуруҳлаш
- абзац ташлаш
- икки ва уч ўлчовли график режимга ўтиш
- мхн ўлчовли жадвал яратиш
- кнопкалар соҳасини ўрнатади
- сексия ости кнопкаларини ўрнатади
- гиперматн
- расм ўрнатиш
- расм эскизини чизиш
- саҳифани блокларга ажратиш.

5. “Формат” - ҳужжатларни расмийлаштириб, шрифт ўлчовини, стилини ўрнатади.



- барча объектларнинг ҳолатини ўрнатади
- ҳарфларнинг кўринишини ўрнатади
- абзацларни ўрнатади
- саҳифани номерлайди
- дарахт ҳосил қилади
- дарахтни бекор қилади
- конверт.


6. “Средства” - маълумотни экранга киритиш, чиқариш параметрларини ўрнатади.



- ёрдамчилар
- дарслар
- орфографик текширув
- якунлаш буйруғи
- хоссалари...

7. “Окно” - бир варақдан бошқасига ўтишни таъминлайди.

- ойналарни кетма-кет тартиблайди
- ойналарни керакли сонда чиқаради



- ойнани горизонтал кўринишга келтиради
- ойнани вертикал кўринишга келтиради
- жорий ойна
- бошқа ойналар

8. “Справка” - Maple ҳақида маълумотлар олиш имконини беради.

кириш

-ёрдам

-маслаҳатлар...

-фойдаланувчи

-янгиликлар

-маълумотлар билан ишлаш

-оддий ишлаш

-ишчи варақ намунаси

-мундарижа

-индекс

-қидирув

-математик лўғат

-архив

-...каби сақлаш

- мавзу бўйича тозалаш

-интернетда Maple

-Maple маълумотлари

Maple да ишлаш сессия режимида ўтади. Фойдаланувчи керакли матнни (буйруқ, амал, процедура..) киритади, Maple да қайта ишлаб чиқилиб, шартлар қабул қилинади. Ишчи майдон уч қисмга бўлинади:

1. Кириш майдони буйруқлар сатридан ташкил топган. Ҳар бир буйруқ сатри $>$ символ билан бошланади

2. Хулоса – қайта ишланган аналитик ифодаларнинг бажарилиш буйруғи натижаларини, график объектинин ва хатолар ҳақида маълумотни ўз

ичига олади.


3. Матнларни изоҳлаш майдони –бажариладиган маълумот ҳақида тушунча берадиган ихтиёрий матнли маълумотни ўзида сақлайди.

Maple да ишлаш сессия режимида ўтади. Фойдаланувчи керакли матнни (буйруқ, амал, процедура..) киритади, Maple да қайта ишлаб чиқилиб, шартлар қабул қилинади. Ишчи майдон уч қисмга бўлинади:

1. Кириш майдони буйруқлар сатридан ташкил топган. Ҳар бир буйруқ сатри > символ билан бошланади

2. Хулоса – қайта ишланган аналитик ифодаларнинг бажарилиш буйруғи натижаларини, график обьектинин ва хатолар ҳақида маълумотни ўзида сақлайди.

3. Матнларни изоҳлаш майдони –бажариладиган маълумот ҳақида тушунча берадиган ихтиёрий матнли маълумотни ўзида сақлайди.


Агар буйруқлар сатридан матнли сатрга ўтиш керак бўлса, «панел инструментов» да Т га “сичқонча” тугмачасини босиш керак, ёки ускуналар панелидан  пиктограммасини танлаймиз.

Матн дан буйруқлар сатрига ўтиш учун «панел инструментов» да [\gt] тугмасида “сичқонча” тугмасини бир марта босиш керак ёки ёки ускуналар панелидан пиктограммасини танлаймиз.

Ишчи варақ тўғрисида маълумотлар ва уларни ҳужжатлаштириш .

Ишчи варақнинг майдони – фойдаланувчи томонидан киритиладиган матнни ёзиш қисми.

Қолган барча сатрларни “View” (*Кўриниш*) банди орқали ўрнатиш мумкин. Масалан, ускуналар сатри, контекст сатр(4-расм), ҳолат сатри(5-расм) ва ҳақозолар.



4-rasm.


Time: 0.1s


Bytes: 256K


Available: 709M

5-rasm


Агарда биз “ Classic Worksheet Maple 9.5” дастури билан ишлашда функция графиклар устига амаллар бажарсак, меню сатри, контекст сатри куйида келтирилга кўринишга келади(6-расм).

**6-расм.**

Агарда фойдаланувчи “ Classic Worksheet Maple 9.5” дастури билан ишлашда ишчи варақ майдонига матн киритишни бошлаш учун ускуналар сатридаги  тугмасини босиш керак ҳамда контекст сатри куйида келтирилга кўринишга келади (7-расм).

**7-расм.**

Юқорида таъкидлаб, ўтганимиздек Maple 9.5 ишга тушурилишда унинг иккита версиясини ишга тушуриш имконияти мавжуд. Шу сабабли агар фойдаланувчи Maple 9.5” амалий дастурлар пакетини ишга тушурса, у ҳолда унинг интерфейс ойнаси кўринишини келтириб ўтишимизга тўғри келади. Энди биз куйида “Maple 9.5” амалий дастурлар пакетининг интерфейс ойнаси ва унинг кўринишларини келтириб ўтаемиз. “Maple 9.5” ишга тушгандан кейинги ойнанинг умумий кўриниш(8-расм):



8-rasm.

Сарлавха сатрида “Maple 9.5” тизимининг белгиси ва жорий ишчи варақ файлининг номи кўрсатилади (9-расм.)




9-расм.

Меню сатри – “Maple 9.5” дастурида бажариладиган барча буйруқларнинг топламини ўз ичида мужассамлаштирган. Меню сатрида қуйидаги бўлимлар мавжуд: “File” (Файл), “Edit” (Тўғирлаш), “View” (Кўриниш), “Insert” (Илова), “Format” (Бичим), “Tools” (Електрон жадвал), “Windows” (Ойна), “Help” (Ёрдам, Маълумотнома) (10-расм).


Файл Правка Вывод Поместить Формат Средства Окно Справка

File Edit View Insert Format Tools Window Help

“Maple 9.5”dagi uskunalar satri, kontekst satri(11-rasm), palitralar bo`limi (12-rasm) va holat satri(13-rasm).



11-rasm.




12-rasm.




13-rasm.

Шуни назарда тутиш керак-ки, “*Classic Worksheet Maple 9.5*” дастуридаги палитралар бўлимига нисбатан “*Maple 9.5*” дастурининг палитралар бўлими билан ишлаш анча қулай ҳисобланади.

Асосий менюлар сатрининг ҳолати ишчи вараққа акс еттирилган ҳужжатнинг мазмунига қараб ўзгариб туради. Буни биз юқорида ҳам айтиб ўтган едик(14-расм).





14-расм.


Ишчи варақда график тасвирланган бўлса, у ҳолда асосий менюлар сатрининг ҳолати 6 ва 14–расмларда тасвирланган кўринишда бўлади. Агар ишчи варақда маълумотлар майдони тасвирланган бўлса, унда дастурдаги элементлар 1.9 ва 8–расмлардаги стандарт кўринишда бўлади. Сичқонча кўрсаткичини асосий менюлар сатрининг ихтиёрий менюсига келтириб чап тугмаси босилса, меню фаоллашиб, ундаги командалар ёки қисмий менюлар рўйхатини кўриш мумкин. Менюлар рўйхатидаги бирор командани сичқонча ёки команданинг ўнг томонида кўрсатилган тугмалар ёрдамида бажариш мумкин.

Асосий менюлар сатрининг пастки қисмида амалда тез-тез қўлланилиб туриладиган командаларга бириктирилган тугмалар кўрсатилган асосий ускуналар панели жойлашган. Бу тугмалар сичқонча ёрдамида фаоллаштирилса, уларга бириктирилган командалар бажарилади. Панелнинг ҳолати ишчи варақдаги ҳужжатга боғлиқ эмас. Бу панелнинг пастки қисмида контекстли ускуналар панели жойлашган. Курсор ишчи варақнинг қандай қисмида жойлашганлигига ва қандай маълумотни кўрсатиб туришига қараб, контекстли ускуналар панелининг ҳолати ўзгариб туради. Панелнинг беш хил ҳолати мавжуд: икки ўлчамли, уч ўлчамли, анимацияли графиклар аксеттирилган пайтдаги ҳолати ва курсорни ишчи варақнинг маълумот киритиш ёки чиқариш майдонида туришига мос ҳолатлари. Курсор маълумотларни киритиш майдонида турган бўлса, контекст менюнинг ҳолати командаларни стандарт **Maple 9.5** талқинида ёки стандарт математик ёзувлар кўринишида ёзилишига қараб ўзгаради. **1.9** ва **8**–расмларда контекстли менюнинг, командаларни стандарт **Maple 9.5** талқинида ёзиладиган ҳолатига мос

кўриниши тасвирланган.

Maple 9.5 нинг интерфейсида бир нечта ойнадаги ишчи варақлар билан ишлаш ва гиперлавҳалар ёрдамида ишчи варақларнинг бирдан иккинчисига ўтиш мумкин.

Интерфейснинг Энг пастки қисмида тизимнинг ишчи ҳолатлари сатри акс эттирилган бўлиб, унда жорий файлга ва тизимга тегишли маълумотлар акс еттирилади.



15–расм.

Иш жараёнида ишчи варақда акс еттирилган объектлар (график, команда натижасини акс еттириш майдонидаги маълумот, киритиш майдонидаги команда) ларга мос контекстли менюни ҳосил қилиш мумкин. Бунинг учун сичқонча кўрсаткичини керакли объектга келтириб, ўнг тугмани босиш керак. Контекстли менюда танланган объектга қўлланиладиган командалар кўрсатилади (15-расм).

2. Алгебра ва сонлар назарияси масалаларини ечиш.

Maple муҳитида оддий ифодалар сонлар , арифметик ва мантиқий амал белгиларидан иборат бўлади. Maple муҳитида ҳам ифодалар худди

дастурлаш (Паскал, Басис) тиллари каби остки ҳамда устки индексларсиз битта сатрга ёзилади. Масалан: $(56.6 + 6.3 * 3.2) / (2.3^3 + 2^4)$.

Ҳар қандай сонли ифодани қийматини чиқариш учун, клавиатура орқали стандарт математик ёзувдан фойдаланиб керакли ифода терилади ва охирига (;) белгиси қўйилиб ентер тугмачаси босилади. Оддий ифодаларни қийматларини ҳисоблаш учун қуйидаги сонлар ва амал белгиларидан фойдаланилади:

- 1) рақамлар - 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 .
- 2) арифметик амаллар - +, -, *, /, ^ ёки **, !.
- 3) муносабат амаллар - >, <, >=, <=, =, <>.
- 4) мантиқий амаллар – анд, ор, нот.
- 5) Махсус белгилар – (,), [,], {, }, @, #, \$, &, %
- 6) Пи – π сони, инфинитй – чексиз; Гамма – Эйлер ўзгармаси; true, false – мантиқий ўзгармаслар,

Maple муҳитида сонлар ҳақиқий (реал) ва комплекс (сомплекс) бўлади. Комплекс сонларнинг алгебраик кўриниши $z=x+iy$, буйруқлар сатрида қуйидагича ёзилади:

$> z:=x+I*y;$

Сонлар бутун ва расионал сонларга бўлинади. Бутун сонлар (интегер) ўнли ёзувда рақамлар билан ифодаланади. Рационал сонлар 3 хил кўринишда берилиши мумкин: 1) бўлиш амалидан фойдаланган ҳолда расионал каср кўринишида, масалан: $28/70$; 2) қўзғалувчан вергулли (флоат), кўринишида, масалан: 2.3; 3) даража кўринишида, масалан: $1.602 * 10^{(-19)}$ ёки 1.602E-19 кўринишдаги ёзув $1,602 \times 10^{-19}$ ни билдиради.

Расионал сонларни аниқ кўринишда емас, балки тақрибий қийматини ҳосил қилиш учун бутун сонларни ҳақиқий сонлар кўринишида ёиш керак бўлади. Масалан: 1) Қуйидагини бажаринг : $> 75/4;$

Енди шу ифодада 4 сонини ҳақиқий сон, яъни 4.0 кўринишида ёзамиз. Натижани кузатинг.

$> 75/4.;$

2) ни ҳисобланг.

> 345-34/678;

Бу ерда энди 34 сонини ҳақиқий сон , яъни 34.0 кўринишида ёзамиз.

> 345-34./678;

Просент (%) белгиси олдинги буйруқни чақириш вазифасини бажаради. Бу белги ёзувни қисқартириш учун ва олдинги буйруқни тезроқ алмаштириш мақсадида ишлатилади. Масалан:

> a+b;

a+b

> %+c;

a+b+c.

Maple тизими командасининг таркибий қисмлари

Maple муҳитида арифметик ифодаларни ёзиш ва уларнинг қийматларини ҳисоблаш ҳам мумкин. Арифметик ифодаларни белгилаш ва уларни қийматини бериш учун ўзқарувчилардан фойдаланилади. Maple муҳитида ўзгарувчилар тури бутун (интегет), рационал (ратионал), ҳақиқий (реал), комплекс (сомплекс) ёки сатрли (стринг) бўлиши мумкин.

Ўзгарувчиларга ном берилади. Ўзгарувчилар номи ҳарфлар, белгилар ва рақамлар кетма-кетлигидан иборат бўлиб, ҳар доим ҳарфлардан бошланиши лозим. Ном 524275 та белгидан ошиб кетмаслиги керак. Масалан: АБ, тенглама, Й11, Вар_1, Хмин, Ймах ва бошқалар.

> A:=123; B:= ъСаломъ

A:=123; B:= Салом

Ўзгарувчи номи сифатида хизматчи сўзлардан фойдаланиб бўлмайди.

Ўзгарувчиларга қиймат бериш учун := белгиси ишлатилади.

Масалан:

n:=3; x:=234.568; y:=17/19; d:= ъСаломъ; W:=2*Пи/3;

V:= □1,2,3□; M:= □□1,2,3□.□4,5,6□□

Масалан:

а) Ифодани ёзинг :

> й:= a²+б*x+д*c;

б) a=2; б=4; c=5;x=6; д=7 қийматларда ифодани ҳисобланг

> a:=2:б:=4:c:=5:x:=6:д:=8:й:= a²+б*x+д*c;

Maple тизими командасининг таркибий қисмлари

Maple муҳитида арифметик ифодаларни ёзиш ва уларнинг қийматларини ҳисоблаш ҳам мумкин. Арифметик ифодаларни белгилаш ва уларни қийматини бериш учун ўзгарувчилардан фойдаланилади. Maple муҳитида ўзгарувчилар тури бутун (интегет), рационал (ратионал), ҳақиқий (реал), комплекс (сомплекс) ёки сатрли (стринг) бўлиши мумкин.

Ўзгарувчиларга ном берилади. Ўзгарувчилар номи ҳарфлар, белгилар ва рақамлар кетма-кетлигидан иборат бўлиб, ҳар доим ҳарфлардан бошланиши лозим. Ном 524275 та белгидан ошиб кетмаслиги керак. Масалан: АБ, тенглама, Й11, Вар_1, Хмин, Ймах ва бошқалар.

> А:=123; Б:= ъСаломъ

А:=123; Б:= Салом

Ўзгарувчи номи сифатида хизматчи сўзлардан фойдаланиб бўлмайди.

Ўзгарувчиларга қиймат бериш учун := белгиси ишлатилади.

Масалан:

н:=3; х:=234.568; й:=17/19; д:= ъСаломъ; W:=2*Пи/3;

V:= □1,2,3□; M:= □□1,2,3□.□4,5,6□□

Масалан:

а) Ифодани ёзинг :

> й:= a²+б*x+д*c;

б) a=2; б=4; c=5;x=6; д=7 қийматларда ифодани ҳисобланг

> a:=2:б:=4:c:=5:x:=6:д:=8:й:= a²+б*x+д*c;

Ҳисоблаш жараёнида фойдаланилган ўзгарувчилар қийматларини бекор қилиш учун рестарт; буйруғи ишлатилади

Maple муҳитида қуйидаги стандарт функциялардан фойдаланилади.

Matematik yozuv	Mapleda yozuv	Matematik yozuv	Mapleda yozuv
e^x	exp(x)	cosecx	csc(x)
lnx	ln(x)	arcsinx	arcsin(x)
lgx	log10(x)	arccosx	arccos(x)
$\log_a b$	log[a](x)	arctgx	arctan(x)
\sqrt{x}	sqrt(x)	arcctgx	arccot(x)
x	abs(x)	shx	sinh(x)
sinx	sin(x)	chx	cosh(x)
cosx	cos(x)	thx	tanh(x)
tgx	tan(x)	cthx	coth(x)
ctgx	cot(x)	secx	sec(x)

Одий амалларни Maple дастурида ишлаш.Кўпайтувчиларга ажратиш.

Туб кўпайтувчиларга ажратиш

> **ifactor(54);**

(2) (3)³

Бўлинмани ҳисоблаш

> **iquo(45,7);**

6

Қолдиқни ҳисоблаш

> **irem(45,7);**

3

> **7*%%+%;**

45

Икки соннинг Энг катта умумий бўлувчисини топиш

```
> igcd(678,456);
```

6

Берилган бутун соннинг туб сон эканлигини текшириш

```
> isprime(5678945691);
```

false

Maple муҳитида оддий ифодалар сонлар, арифметик ва мантиқий амал белгиларидан иборат бўлади. Maple муҳитида ҳам ифодалар худди дастурлаш (Паскал, Басис) тиллари каби остки ҳамда устки индекс­лар­сиз битта сатрга ёзилади. Масалан: $(56.6 + 6.3 * 3.2) / (2.3^3 + 2^4)$.

Ҳар қандай сонли ифодани қийматини чиқариш учун, клавиатура орқали стандарт математик ёзувдан фойдаланиб керакли ифода терилади ва охирига (;) белгиси қўйилиб энтер тугмачаси босилади. Оддий ифодаларни қийматларини ҳисоблаш учун қуйидаги сонлар ва амал белгиларидан фойдаланилади:

- 1) рақамлар - 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 .
- 2) арифметик амаллар - +, -, *, /, ^ ёки **, !.
- 3) муносабат амаллар - >, <, >=, <=, =, <>.
- 4) мантиқий амаллар – анд, ор, нот.
- 5) Махсус белгилар – (,), [,], {, }, @, #, \$, &, %
- 6) Пи – π сони, инфинитй – чексиз; Гамма – Эйлер ўзгармаси; true, false – мантиқий ўзгармаслар,

Ифодани соддалаштириш ва бирлаштириш

Maple да математик формулаларни аналитик алмаштиришларни ўтказиш учун кЭнг имкониятлар мавжуд. Уларга соддалаштириш, қисқартириш, кўпайтувчиларга ажратиш, қавсларни очиш, рационал касрни нормал кўри­нишга келтириш ва ҳоказо шунга ўхшаш кўплаб амалларни келтириш мумкин.

Алмаштириш бажарилаётган математик формулалар қуйидагича ёзилади: > й:= $\phi_1=\phi_2$; бу ерда й – ифоданинг ихтиёрий номи, ϕ_1 –

формуланнинг чап томонининг шартли белгиланилиши, ϕ^2 – формуланнинг ўнг томонининг шартли белгиланилиши.

Ифоданинг ўнг томонини ажратиш $\rho x^2(\text{ифода})$, чап томонини ажратиш $\lambda x^2(\text{ек})$ буйруғи орқали бажарилади. Масалан:

$$> \text{й} := a^2 - b^2 = c;$$

$$\text{й} := a^2 - b^2 = c$$

$$> \lambda x^2(\text{ек});$$

$$a^2 - b^2$$

$$> \rho x^2(\text{ек});$$

$$c$$

a/b кўринишида рационал каср берилган бўлса, у ҳолда унинг сурати ва махражини ажратиш мос равишда нумер(ифода) ва деном(ифода), буйруқлари ёрдамида бажарилади. Масалан:

$$> \phi := (a^2 + b) / (2 * a - b);$$

$$> \text{нумер}(\phi);$$

$$a^2 + b$$

$$> \text{деном}(\phi);$$

$$2a - b$$

Ихтиёрий ифодада қавсларни очиб чиқиш екпанд (ифода) буйруғи билан амалга оширилади. Масалан:

$$> \text{й} := (x+1) * (x-1) * (x^2 - x + 1) * (x^2 + x + 1);$$

$$> \text{екпанд}(\text{й});$$

екпанд буйруғи қўшимча параметрга ега бўлиши мумкин ва у қавсларни очишда маълум бир ифодаларни ўзгаришсиз қолдириш мумкин.

Масалан, $\ln x + e^x - \text{й}^2$ ифоданинг ҳар бир қўшилувчисини $(x+a)$ ифодага кўпайтириш талаб қилинган бўлсин. У ҳолда буйруқлар сатри қуйидагини

ёзиш керак бўлади:

> `expand((x+a)*(ln(x)+exp(x)-y^2), (x+a));`

Math­e муҳитида кўп­хад сифатида қуйидаги ифода тушунилади:

Кўп­хадларнинг коэф­фи­циентларини ажратиш учун қуйидаги функциялар иш­ла­ти­лади:

- `coeff(p, x)` – кўп­хадда x олдидаги коэф­фи­циентни аниқ­лай­ди;
- `coeff(p, x, n)` - n -даражали хад олдидаги коэф­фи­циентни аниқ­лай­ди;
- `coeff(p, x^n)` - кўп­хадда x^n олдидаги коэф­фи­циентни аниқ­лай­ди;
- `coeffs(p, x, 't')` – x ўз­га­рув­чи­га тегишли барча ўз­га­рув­чи­лар олдидаги коэф­фи­циентни аниқ­лай­ди.

Мисоллар.

> `p:=2*x^2 + 3*y^3 - 5: coeff(p,x,2);`

2

> `coeff(p,x^2);`

2

> `coeff(p,x,0);`

$3y^3 - 5$

> `q:=3*a*(x+1)^2+sin(a)*x^2*y-y^2*x+x-a:coeff(q,x);`

$6a - y^2 + 1$

> `s := 3*v^2*y^2+2*v*y^3;`

$s := 3v^2y^2 + 2vy^3$

> `coeffs(s);`

3, 2

> `coeffs(s, v, 't');`

$2y^3, 3y^2$

> `t;`

v, v^2

lcoeff- функцияси кўп­хаднинг катта , **tcoeff** - функцияси кичик

коэффициентини аниқлайди. Бу функциялар қуйидагича берилади: **lcoeff(p), tcoeff(p),**

lcoeff(p, x), tcoeff(p, x), lcoeff(p, x, 't'), tcoeff(p, x, 't').

Мисоллар

> **s := 3*v^2*w^3*x^4+1;**

$s := 3 v^2 w^3 x^4 + 1$

> **lcoeff(s);**

3

> **tcoeff(s);**

1

> **lcoeff(s, [v,w], 't');**

$3 x^4$

> **t;**

$v^2 w^3$

degree(a,x);– функцияси кўп­ҳад­нинг Энг юқори даражасини,

ldegree(a,x); – функцияси Энг кичик даражасини аниқлайди.

Ўхшаш ҳадларни ихчамлаш.Касрни иррационаликдан қутқариш

Математик кўринишда ёзилиши	Maple sistemasida yozilishi	Natija
64/24	> 64/24;	$\frac{8}{3}$
5/8+4/7	> 5/8+4/7;	$\frac{67}{56}$
2+9/5	> 2+9/5;	$\frac{19}{5}$
4+8/2	> 4+8/2;	8

Мисол.

> **evalf(456/789);**

$.5779467681$

> **evalf(456/789,35);**

.57794676806083650190114068441064

Ўзгартиш киритилмайдиган константалар кўйилаги жадвалда келтирилган.

Константа	Маноси
Catalan	$\sum_{i=0}^x \frac{(-1)^i}{(2i+1)^2}$ нинг маноси тақрибий билан 0,0qtoyttorw... тенг
False	«ёлғон» маноси бул ўзгарувчилари билан ишлашганда.
True	«чин» маноси бул ўзгарувчилари билан ишлашганда
Fail	Уч мантиқли функцияларни ҳисоблашда ўшинчи манони билдиришда фойдаланилади.
4 \begin{document}
5 \boldmath
6 Azamat
7
8 $$\newpage
9 $$\rm Bu \bf semizroq shriftida yozilgan,\,
10 $$bu esa \sl qiyaroq shriftida yozilgan,\,
11 $$bu esa oddiy shriftida yozilgan.
12 Yozishni {avval \bf qalinroq yozuvdan\,
13 boshlaymiz,endi vaqtincha \it kursivga \,
14 o'tamiz va yana {\bf qalin} shriftga o'tib}\,
15 ilk holatga qaytamiz.\,
16 Quyidagi  $P^n$  da\,
17  $n$  nomalumlari soni
18  $\int_{\sigma} X_a = C$ 
19 Urinma egri chiziqni  $XS$  ta
20 bo'lakka bo'lsa
21 demak:  $\int_{cal T} XS$  yoki  $\int T XS$ 
22  $SS$ 
23 \mbox{barcha  $x$  lar uchun} \quad \sqrt{x^3} = \not\omega x
24  $SS$ 
25  $SS$ 
26  $e = \lim_{n \rightarrow \infty} (1 + \frac{1}{n})^n$ 
27 \left( ...
28 1 + \frac{1}{n}
29 \right)
30 ^n
31  $SS$ 
32  $SS$ 
33  $M(f) = \int_a^b f(x) dx$ 
34 \left( f(x), dx \right) / (b-a)
35  $SS$ 
36  $SS$ 
37 \int_a^b \frac{1}{(1+x)^{3/2}} =
38 \left[ -\frac{1}{\sqrt{1+x}} \right]_a^b
39 \left[ |x+1| - |x-1| \right]
40 \left( \sum_{k=1}^n x^k \right)^2
41  $SS$ 
42  $SS$ 
43 \left( \sum_{k=1}^n x^k \right)^2
44  $SS$ 
45  $SS$ 
46  $SS$ 
47  $SS$ 
48  $\int_{|x+1| - |x-1|} dx$ 

```

1.2.4-chizma. Winedt 6 ishchi sohasi

Бунда математик формулалар ёзилган қисм алоҳида ранг билан ажратилганини кўриш мумкин.

Энди охириги қисм билан танишамиз. Бу қисм Ҳолат сатри қисми. Бу қисм актив ҳужжат ва актив қаторга тегишли хусусиятларни кўрсатиш ва ўзгартириш учун ишлатилади. Ҳолат сатрининг умумий кўриниши қуйидагича:



Бу сатрнинг ҳар бир қисмига чапдан ўнгга қараб изоҳ бериб ўтамиз:


- ёрдам бўлимини чақириш
- кўриш(Бошидан – A/Курсор турган жойдан - B)
- курсор турган жой(Қатор:Белги)
- қаторлар сони
- ҳолат(Modified,readonly,etc,...)
- давомийлик(ёқиш/ўчириш)
- хат боши(белгилаш/белгиламаслик)

- курсор вазияти(жойида/охирида)
- белгилаш усули(қатор бўйича/Блок бўйича)
- ёзувларни текширмаслик(ёқиш/ўчириш)
- хужжат тури
- жорий сана
- жорий вақт
- жойдаланувчи ҳақида маълумот
- инфо А(--src)
- инфо Б(Файл проекти)
- асосий файл/Ҳолат

Юқорида кўрсатилган хусусиятларни ўзгартириш учун тегишли қисм устига сичқонча чап тугмаси бир марта босилиши йетарли.Биз юқорида кўриб ўтган Info A ва Info B қисмлар бироз тушунарсиз бўлиши мумкин.Аслида бу қисмлар файл компилятори ва компиляцияси ҳақидаги маълумотлардир.Стандарт ҳолда Miktex компиляция усули –src bo'lib, src компилятори dvi кенгайтмали файл яратиш учун хизмат қилади.


Контекст менюлар

Бу бўлимда биз Winedt нинг асосий контекст менюлари билан танишиб ўтамиз.Буларга менюлар сатри, хужжатлар сатри, ҳолат сатри ва хужжатнинг чап қисми киради.Уларга мос контекст менюлар қуйидагилар:



1.2.5-чизма.Асосий контекст менюлар

Бу менюлар орқали Винедт га турли ўзгартиришлар киритиш, уни фойдаланувчига мослаштириш мумкин.Кейинги ва Энг асосий менюлар бу ишчи соҳа менюларидир.Улар икки хил бўлади:Белгиланган қисм учун ва белгиланмаган қисм учун..



1.2.6-чизма.Қўшимча контекст менюлар

Бу менюлар Windows контекст менюларига ўхшаш бўлиб, қолган буйруқларини уларга тегишли пиктограмма орқали ўрганиш мумкин. Бу менюлардан кўпроқ иккинчи менюдан фойдаланилади. Унда сатрлар устида амаллар бажаришга доир кўплаб қулай буйруқлар мавжуд.

Шунингдек бир қатор бошқа контекст менюлар ҳам мавжуд. Масалан ускуналар панели, ҳолат сатри, хужжат номи панели кабиларни яшириш ва кўрсатиш менюси ва ҳар бир панел учун махсус контекст менюлар мавжуд. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки контекст менюлар орқали бажариладиган вазифаларнинг аксарияти менюлар сатрининг турли бўлимларида жойлаштирилган бўлиб, керакли бўлим орқали бу вазифаларни бажариш мумкин.

3. LATEX тизимида жадвал ва графиклар тузиш.

Бу бўлимда биз Технинг график имкониятлари ҳақида маълумотга ега бўламиз. Расмлар пистуре танаси орқали ҳосил қилинади. Қуйидаги мисолни кўрамиз:

```

\begin{picture}(110,50)
\put(55,35){\vector(-2,1){40}}
\put(55,35){Bu vektor}
\end{picture}

```

Бу ерда пистуре танасидаги айлана қавс ичида вергул билан ажратиб ёзилган сонлар расм чизилиши керак бўлган соҳани аниқлаш учун ишлатилади. Бунда биринчи сон расмнинг вертикал узунлигини, иккинчи сон еса расм баландлигини аниқлайди. Бу сонлар манфий ҳам бўлиши мумкин. Масалан (-150,36) каби..

`\put` буйруғи еса расм ёки ёзувни тегишли координаталарга жойлаштириш учун хизмат қилади. Агар кўрсатилган координата банд бўлса, тегишли расм ёки ёзув ундан кейинги координаталарда жойлаштирилади. Бу буйруқнинг аргументида жойлашган `\vector` буйруғидан турли кўринишдаги векторлар чизиш учун фойдаланилади. Юқоридаги мисолда `\vector(-2,1){40}` кўринишидаги айлана қавс ичида вергул билан ажратиб ёзилган рақамлар `\put` буйруғидаги координатага нисбатан симметрик чизилишини аниқлайди. Бу сонлар катталиги -4 ва 4 орасида бўлади. Фигуралар қавс ичида ёзилган сон еса вестор узунлигини аниқлайди.

Oddiy Qalinroq

Ёзувларни Picture танасида жойлаштиришда ор­тиқча қийинчилик кўринмайди. Шунингдек ёзувларга турли шрифт ва кўриниш бериш ҳам мураккаб эмас. Масалан:

```
\begin{picture}(110,40)
\put(52,20){\bf Qalinroq}
\put(50,20){\lap{\sf Oddiy}}
\end{picture}
```

Бу ерда ёзувлар шрифтини аниқлашда биринчи бўлимда кўриб ўтган буйруқлардан фойдаландик. Юқоридаги мисолда Қалинроқ ёзувини олдин ёзган бўлсакда координатаси кейинги ёзувдан сўнг ёзилиши ҳақида малумот бергани сабабли, бу ёзув Оддий ёзувидан кейин ёзилди.

Биз чизаётган расмлар саҳифанинг чап томонидан чизилади. Агар биз расмни саҳифанинг ўнг томонидан чизмоқчи бўлсак флушригхт танасидан фойдаланишимиз мумкин. Марказдан чизиш учун еса сен­тер танасидан фойдаланиш мумкин.

Расм чизишда ҳам ёзув ва математик формулалар ёзишда бўлгани каби ичма-ич таналарни ишлатиш мумкин. Масалан сен­тер танасини пистуре танаси ичига жойлаштириш ва теска­риси каби.

Кесмалар



Техда кесмалар `\line` буйруғи орқали ҳосил қилинади. Бу буйруқ ҳам худди `\vector` буйруғи каби кординатага нисбатан симметрикликни ва чизик

узунлигини аниқлаш орқали ҳосил қилинади. Масалан:


```
\begin{picture}(100,50)
\put(60,50){\line(1,-2){20}}
\end{picture}
```

Бу ерда 100 x 50 расм чизиладиган соҳа (60,50) расм кординатасини билдиради. `\line` буйруғидаги (1,-2) еса “бурчак коефтисиенти”ни билдиради. Бурчак коефтисиентини қиялик бурчаги сифатида тушуниш мумкин. Агар қиялик бурчаги (0,1) бўлса горизонтал чизик, агар (1,0) бўлса вертикал чизик ҳосил бўлади.

Айлана, доира ва оваллар

Айлана `\circle` буйруғи ёрдамида чизилади. Доира чизиш учун еса `\circle*` буйруғидан фойдаланиш мумкин. Бунда доира ичи қора ранг билан бўялади. Айлана ва доира чизиш учун унинг диаметрини аниқлаш кифоя.

Масалан:




```
\begin{picture}(100,80)
\put(30,30){\circle{30}}
\put(70,30){\circle{30}}
\put(30,50){\circle{30}}
\put(70,50){\circle{30}}
\put(50,40){\circle*{20}}
\end{picture}
```

Бунда айлана кординатаси айлана марказидан ҳисобланади.

Овал (қирралари ўткир бўлмаган тўртбурчак) чизиш учун `\oval` буйруғидан

фойдаланилади. Бу буйрукга параметр сифатида горизонтал ва вертикал узунликлари аниқланади. Кордината овал марказидан белгиланади.




Масалан:

```
\begin{picture}(100,80)
\put(50,40){\oval(100,80)}
\end{picture}
```

Киритиш мажбурий бўлмаган параметрлардан бири бу овалнинг бир қисмини ўчиришдир. Тўлиқ бўлмаган овал чизиш учун `\oval` буйруғи параметрига яна бир параметрни қўшиш керак бўлади. Бу параметр орқали овалнинг бир қисмини олиб ташлаш мумкин.

Бу тўртта ҳарфни нафақат якка балки бирданига ҳам киритиш мумкин. Масалан тр юқори ўнг бурчакни билдиради. Мисол:



```
\begin{picture}(100,80)
\put(50,40){\oval(80,60)[t]}
\put(50,40){\oval(80,60)[br]}
\end{picture}
```

Қўшимча имкониятлари

Айрим ҳолларда расм чизишда бир неча объектлардан фойдаланишга тўғри келади. Бундай ҳолларда `\put` буйруғидан фойдаланиб бўлмайди. Лекин `\put` буйруғи орқали ҳосил қилинган объектни `\multiput` буйруғидан фойдаланиб ўзгартириш киритиш мумкин. Бу буйруқ кўриниши куйидагича `\multiput(x,y)(\Delta x,\Delta y)\{n\}` *{obyekt}*

Бу ерда x ва y натижавий объект кординатаси (худди `\put` даги каби) Δx ва Δy еса кўрсатилган объектнинг горизонтал ва вертикал силжиш кординаталари, n – объектлар сони, *obyekt* – танланган объект

.Масалан:




```
\begin{picture}(100,80)
\multiput(10,70)(8,-6){8}%
{\circle*{3}}
```


`\end{picture}`

Бу ерда фойдаланилган % (фоиз) белгиси янги қатор ташкил этиш учун хиз­мат қилади. Бунда йетар­ли­ча бўш жой қолдириш орқали қаторлар мослиги таъминланади. Бошқа ҳолларда бу белги изоҳ ва­зи­фасини бажаради.

Энди `\multiput` буйруғи ёрдамида яратилган яна бир расмни кўрайлик.




```
\begin{picture}(100,50)
\multiput(0,0)(10,0){10}%
{\line(1,5){10}}
\multiput(0,0)(2,10){6}%
```

`{\line(1,0){90}}`

`\end{picture}`

Бу мисолда горизонтал қия ва вертикал тик чизиқлардан фойдаланиб юқоридаги расм ҳосил қилинди. Энди `\put` буйруғига қайтамиз. У орқали куйидаги расмни чизамиз.




Бир қарашда бу расмни чизиш мураккабдек туюлади. Лекин бу расмни оддий `\put` буйруғи орқали ҳам чизиш мумкин. Бунинг учун маълум тартибга риоя қилиш керак ҳолос. Демак бу расм коди билан танишамиз.

```
\begin{picture}(120,80)
\put(0,0){\line(1,0){120}}
\put(0,80){\line(1,0){120}}
\put(0,0){\line(0,1){80}}
\put(120,0){\line(0,1){80}}
% Kordinata o'qlarini chizamiz
\put(40,25){\begin{picture}(40,40)%
\put(20,0){\vector(0,1){40}}
\put(0,20){\vector(1,0){40}}
\put(40,22){$x$}
\put(22,40){$y$}
```

```
\end{picture}}
```

```
\end{picture}
```

```
\vector
```



```
\setlength{\unitlength}{1mm}
```

```
\begin{picture}(60, 40)
```

```
\put(30, 20){\vector(1, 0){30}}
```

```
\put(30, 20){\vector(4, 1){20}}
```

```
\put(30, 20){\vector(3, 1){25}}
```

```
\put(30, 20){\vector(2, 1){30}}
```

```
\put(30, 20){\vector(1, 2){10}}
```

```
\thicklines
```

```
\put(30, 20){\vector(-4, 1){30}}
```

```
\put(30, 20){\vector(-1, 4){5}}
```

```
\thinlines
```

```
\put(30, 20){\vector(-1, -1){5}}
```

```
\put(30, 20){\vector(-1, -4){5}}
```

```
\end{picture}
```

Расм ўлчамлари

Биз ҳозирга қадар расмлар чизиш ҳақида тўхталиб ўтдик. Биз чизган расмлар Латех стандарт ўлчамида еди. Лекин Техда фойдаланувчи хо­хишига қараб расм ўлчамини ўзгартириш мумкин. Бунда `\unitlength` буйруғидан фойдаланилади. Бунда узунлик миллиметрда қуйидаги кўринишда кўрсатилади.

```
\unitlength=1mm
```

Шунингдек расмда қатнашган чизиқлар қалинлиги учун `\thicklines` ва `\thinlines` буйруқларидан фойдаланилади. Айнан горизонтал ва вертикал чизиқлар учун `\linethickness` буйруғидан фойдаланилади. Бу буйруқ кўриниши қуйидагича:

```
\linethickness{2.5mm}
```

Бу буйруқдан кейин расмда қатнашган горизонтал ва вертикал чизиқлар

2.5мм қалинликка ега бўлади.

Хужжатга тайёр расм жойлаштириш

Саҳифага расм жойлаштиришда графҳисс пакетидаги махсус

`\includegraphics[хусусиятлар]{файл}`

бўйруғидан фойдаланилади. Хусусиятлар-расм хусусиятларини аниқлайди,бир неча хусусиятлар вергул орқали ажратилади.Хусусиятлар хусусият=қиймат кўринишда аниқланади.Бу қисмни киритиш мажбурий емас.

Бу бўйруқ кўрсатилган файлни eps – кенгайтмали(агар двипс драйвери ўрнатилган бўлса) ва pdf – кенгайтмали(агар pdftex драйвери ўрнатилган бўлса) расмлар орасидан қидиради.Шуни таъкидлаб ўтиш керакки кўрсатилган расмни қидириш фақат жорий хужжат тех кенгайтма билан сақланаётган манзилда амалга оширилади.Мисол:



`\includegraphics{kapalak}`

Бунда асосий файлимиз(тех кенгайтмали) жойлашган каталогда капалак.пдф файли жойлашган.Шу сабабли расм кенгайтмасиз(.pdf бўлгани учун) ҳам чақириляпти.

Расм ўлчамларини ўзгартириш

Юқорида кўриб ўтган \инслудеграфҳисс бўйруғи хусусиятларидан фойдаланиб расм ўлчамларини ўзгартириш мумкин.Бунда расм кЭнглиги ва баландлиги аниқланади.Булар:

`width= кЭнглик`

`height= баландлик`

Бунда ўлчамларни Технинг барча турдаги узунлик бирликларида берилиши мумкин.Масалан:



`\includegraphics[width=1in,height=10mm]{a}`

Агар расм ўлчамларини аниқлаётган пайтда тасвир билан боғлиқ муаммолар учрайдиган бўлса кеепаспестратио параметридан фойдаланган маъкул.Юқоридаги мисол учун `\includegraphics[width=1 in,height=1 cm,%keepaspectratio]{a}` каби бўлади.Расм ўлчамларини аниқлашга доир параметрлардан яна бири

`scale=` ўлчам

параметридир.Бу параметр аргументига расм ҳақиқий ўлчамларига нисбатан сонлар ёзилади.Агар биз расмни ўз ўлчамларида чиқармоқчи бўлсак `scale=1` ёзиш кифоя.Расм ўлчамларини тенг ярмича қисқартириш еса

`\includegraphics[scale=0.5]{капалак}`

орқали амалга оширилади.

Расм қисмларини жойлаштириш

Расмни саҳифанинг ихтиёрий қисмида (ёзувлар усти ёки остидан ҳам) жойлаштириш мумкин.Бунда бизга `viewport` параметри ёрдам беради.Унинг кўриниши куйидагича:

`viewport=llx lly urx ury`

Бу ерда x ва y лар расмнинг чап пастки ва ўнг юқори бурчак кординаталари.Бу буйруқ қўлланилгандан сўнг агар кординаталар олдинги ёзувлар кординаталари билан устма-уст тушиб қолса улар орқа фонда қолиб кетади ва бизга фақат расм кўринади. Ажойиб параметрлардан яна бири бу `trim` параметридир.Бу параметр расмнинг тегишли қисмини кўрсатиш учун хизмат қилади.Бу параметр умумий кўриниши куйидагича:

`trim=dl db dr du`

Бунда ҳам худди виешпорт буйруғи каби кўринишда узунликлар аниқланади.Бу параметрга ёрдамчи калит сўз бу `clip` сўзидир.Унинг кўриниши куйидагича:

`clip=` *мантиқий*

Бу калитдаги мантиқий қиймат `true` ёки `false` қиймат қабул қилади.Агар биз бу ифодага `true` қиймат берсак , y ҳолда кўрсатилган

расмнинг белгиланган қисмини кўрсатиб қолган қисми кўрсатилмайди. Масалан:



```
\includegraphics[trim=-5 -5 16 16,clip]{капалак }
```

Расми буриш

Angle параметри орқали амалга оширилади. Бу параметр умумий кўриниши қуйидагича `angle= бурчак`

Бу параметр соат стрелкасига тескари бурчакга буради. Масалан:



```
\includegraphics[scale=0.4,angle=30]{капалак }
```

Бошқа имкониятлар

Биз юқорида капалак.пдф расми орқали барча керакли ўзгартиришларни бажардик. Бунда биз фақат расм номини кўрсатиш билан чекландик. Агар биз кўп қўлланиладиган расм форматларидан фойдаланмоқчи бўлсак албатта уни кенгайтмаси билан кўрсатишимиз керак. Бунда қуйидаги кенгайтмаларни кўрсатиш мумкин:

png, pdf, jpg, mps, tiff


Масалан:



```
\includegraphics[width=8cm,height=6cm]{aimp.jpg }
```

Расмни кенгайтма билан кўрсатишда ҳам юқоридаги расмни кенгайтмасиз чақириш билан боғлиқ барча параметрлар ўринли.

Шунингдек расмни кейинчалик жойлаштириш учун жой қолдириш ҳам мумкин. Бунда расм чегаралари рамка билан ўралади ва расм номи ёзиб кўйилади. Бунда драфт параметридан фойдаланилади. Масалан:



Бир қаторда бир неча расм жойлаштириш

Техда бир қаторда бир неча расм ҳам жойлаштириш мумкин. Бунда



a)



b)

\begin{minipage} .. \end{minipage} танасидан фойдаланилади. Мисол:

```
\begin{figure}[h]
```

```
\begin{minipage}[h]{0.49\linewidth}
```

```
\center{\includegraphics[width=0.5\linewidth]{ капалак } \\ a)}
```

```
\end{minipage}
```

```
\hfill
```

```
\begin{minipage}[h]{0.49\linewidth}
```

```
\center{\includegraphics[width=0.5\linewidth]{ капалак } \\ b)}
```

```
\end{minipage}
```

Расм майдонида формула киритиш

Расм жойлаштириладиган майдонда формула киритиш учун расм объекти ўрнига формула ёзиш кифоя. Албатта формула ёзиладиган жой тўғри кўрсатилиши шарт. Масалан:



$$s := \frac{a + b + c}{2}$$

```

\setlength{\unitlength}{0.8cm}
\begin{picture}(6,5)
\put(3.5,0.4){$\displaystyle
s:=\frac{a+b+c}{2}$}
\put(1,1){\includegraphics[
width=2cm,height=2cm]{ капалак
}}
```

\end{picture}

4. LATEX тизимида математик формулалар ёзиш ва тақдимотлар тайёрлаш.

Математикада кўп ҳолларда грек ҳарфларидан фойдаланилади. Шу сабабли биз ҳам LATEXда математик формула киритишни грек ҳарфларини киритишдан бошлаймиз. LATEXда грек ҳарфларини киритиш буйруғи “\” белгиси ва шу белгининг инглизча номини ёзиш орқали киритилади (Масалан: а ҳарфи \alpҳа каби киритилади). Шу ўринда яна бир маълумотни айтиб ўтиш керак. Грек ҳарфлари рўйхатидан о (“omikron” деб ўқилади) ҳарфини бу усул билан киритиб бўлмайди (Яъни \омикрон деб ёзиш нўтўғри ҳисобланади). Бу ҳарфни киритиш учун курсивда ёзилган латинча “o” ҳарфи, ёки одатдагидек о ҳарфини киритиш кифоя. Мисол тариқасида бир неча грек ҳарфларининг LATEXда ёзилишини жадвалини келтира­миз.

	α	\alpha	β	\beta	γ	\gamma
Бу	δ	\delta	ε	\epsilon	ε	\varepsilon
	ζ	\zeta	η	\eta	θ	\theta
	ϑ	\vartheta	ι	\iota	κ	\kappa
	λ	\lambda	μ	\mu	ν	\nu
	ξ	\xi	π	\pi	ϖ	\varpi
	ρ	\rho	ρ	\varrho	σ	\sigma
	ς	\varsigma	τ	\tau	υ	\upsilon
	φ	\phi	φ	\varphi	χ	\chi
	ψ	\psi	ω	\omega		

рўйхатга ∑ ва ∏ ларни киритиш нотўғри. Бу белгилар йиғинди ва кўпайтмани билдиргани боис махсус буйруқлар ёрдамида киритилади. Латин ҳарфларини

киритганда катта ва кичик ҳарфлар билан киритиш автоматик тарзда аниқланади. Грек ҳарфларини киритишда еса “\” дан кейин ҳарф номи ёзилаётганда биринчи ҳарф катта ҳарф билан ёзилади. Бир неча ҳарфлар рўйхати

Г \Gamma	Δ \Delta	Θ \Theta
Λ \Lambda	Ξ \Xi	Π \Pi
Σ \Sigma	Υ \Upsilon	Φ \Phi
Ψ \Psi	Ω \Omega	

Энди бинар амаллари ҳақида. Бинар амаллар (қўпайтириш бўлиш ва ҳ.к) ни қўлладда айрим амалларни кетма- кет ёзиш керак бўлса ҳеч қандай пробелсиз давомидан ёзиш мумкин. Бинар амалларнинг тўлиқ рўйхати:

+	\pm	-	\mp	*	\times
±	\div	∓	\setminus	×	\cdot
÷	\circ	\bullet	\cap	·	\cup
○	\sqcup	\oplus	\sqcap	∩	\sqcup
∪	\sqcup	\oplus	\sqcap	∪	\sqcup
∪	\sqcup	\oplus	\sqcap	∪	\sqcup
⊕	\odot	\ominus	\otimes	∧	\wedge
⊕	\odot	\ominus	\otimes	⊗	\otimes
⊕	\odot	\ominus	\otimes	⊘	\triangleleft
⊕	\odot	\ominus	\otimes	◊	\diamond
⊕	\odot	\ominus	\otimes	†	\dagger
⊕	\odot	\ominus	\otimes	‡	\ddagger
⊕	\odot	\ominus	\otimes	△	\bigtriangleup
⊕	\odot	\ominus	\otimes	▽	\bigtriangledown

Кейинги жадвалимиз бинар амалларнинг яна бир тури муносабат

<	\le	>	\ge	=	\approx
:	\neq	≤	\sim	≥	\simeq
≠	\approx	≈	\cong	≈	\equiv
≈	\ll	≅	\gg	≅	\doteq
≅	\parallel	≫	\perp	≅	\in
≅	\notin	⊥	\perp	∈	\in
≅	\subset	⊥	\perp	∉	\notin
≅	\supseteq	⊃	\supset	⊂	\subset

амаллари:

\succ	<code>\succ</code>	\prec	<code>\prec</code>	\succeq	<code>\succeq</code>
\preceq	<code>\preceq</code>	\asymp	<code>\asymp</code>	\sqsubset	<code>\sqsubset</code>
\sqsupseteq	<code>\sqsupseteq</code>	\models	<code>\models</code>	\vdash	<code>\vdash</code>
\dashv	<code>\dashv</code>	\smile	<code>\smile</code>	\frown	<code>\frown</code>
\mid	<code>\mid</code>	\bowtie	<code>\bowtie</code>	\Join	<code>\Join</code>
\propto	<code>\propto</code>				

Кейинги жадвалимиз йўналиш кўрсат­гич­ла­ри(стрелка­ла­ри).LATEX кў­лаб кўрсат­гич­лар­нинг вер­ти­кал ва го­ри­зон­тал ва­ри­ант­ла­ри­ни тақ­дим етади.

\rightarrow	<code>\to</code>	\longrightarrow	<code>\longrightarrow</code>	\Rightarrow	<code>\Rightarrow</code>
\Longrightarrow	<code>\Longrightarrow</code>	\hookrightarrow	<code>\hookrightarrow</code>		
\mapsto	<code>\mapsto</code>	\longmapsto	<code>\longmapsto</code>	\leadsto	<code>\leadsto</code>
\leftarrow	<code>\gets</code>	\longleftarrow	<code>\longleftarrow</code>	\Leftarrow	<code>\Leftarrow</code>
\Leftarrow	<code>\Leftarrow</code>	\hookleftarrow	<code>\hookleftarrow</code>		
\leftrightarrow	<code>\leftrightarrow</code>	\longleftrightarrow	<code>\longleftrightarrow</code>		
\Leftrightarrow	<code>\Leftrightarrow</code>	\Longleftrightarrow	<code>\Longleftrightarrow</code>		
\uparrow	<code>\uparrow</code>	\Uparrow	<code>\Uparrow</code>		
\downarrow	<code>\downarrow</code>	\Downarrow	<code>\Downarrow</code>		
\updownarrow	<code>\updownarrow</code>	\Updownarrow	<code>\Updownarrow</code>		
\nearrow	<code>\nearrow</code>	\searrow	<code>\searrow</code>		
\swarrow	<code>\swarrow</code>	\nwarrow	<code>\nwarrow</code>		
\leftharpoonup	<code>\leftharpoonup</code>	\rightharpoonup	<code>\rightharpoonup</code>	\leftharpoondown	<code>\leftharpoondown</code>
\rightarrow	<code>\rightarrow</code>	\rightleftharpoons	<code>\rightleftharpoons</code>		

Кейинги жадвалимиз синус типли амаллар.Математикада кўп қўл­ла­надиган бу типдаги амаллар яъни син,лог ва ҳ.к лар LATEXда ҳам худди шундай ёзилади.Шунингдек исталган функциянинг қуйи ва юқори индексдан фойдаланиш мумкин.

log	<code>\log</code>	lg	<code>\lg</code>	ln	<code>\ln</code>
arg	<code>\arg</code>	ker	<code>\ker</code>	dim	<code>\dim</code>
hom	<code>\hom</code>	deg	<code>\deg</code>	exp	<code>\exp</code>
sin	<code>\sin</code>	arcsin	<code>\arcsin</code>	cos	<code>\cos</code>
arccos	<code>\arccos</code>	tan	<code>\tan</code>	arctan	<code>\arctan</code>
cot	<code>\cot</code>	sec	<code>\sec</code>	csc	<code>\csc</code>
sinh	<code>\sinh</code>	cosh	<code>\cosh</code>	tanh	<code>\tanh</code>
coth	<code>\coth</code>				

Бу ерда функциялар инглиз тилидаги кўринишида ёзилган. Ўзбек тилида тангенс “tg” кўринишида қабул қилинган. Шунинг учун тангенсни ёзиш учун `\tg` ёзиш кифоя. Лекин одатда агар LATEXда ёзилаётган ҳужжат тили кўрсатилмаса автоматик ҳолда инглиз тили(english) танланади. Бундай ҳолда LATEX `\tg` буйруқни танимайди. Агар биз `\tg` ни ишлатмоқчи бўлсак ҳужжат бошида `\usepackage` га `russian`ни киритиб қўйиш йетарли. Чунки рус тилида ҳам тангенс “tg” кўринишида қабул қилинган. LATEXда тиллар пакетига ҳали ўзбек тили киритилмагани туфайли рус тили пакетидан фойдаланиш қулай. Хуллас натижа `\usepackage[russian]`. Котангенс(ctg) ҳам худди шу кўринишида киритилади..

Енди олий математикада кўп ишлатиладиган

белгилар:

Σ	<code>\sum</code>	\prod	<code>\prod</code>	\cup	<code>\bigcup</code>
\cap	<code>\bigcap</code>	\coprod	<code>\coprod</code>	\oplus	<code>\bigoplus</code>
\otimes	<code>\bigotimes</code>	\odot	<code>\bigodot</code>	\vee	<code>\bigvee</code>
\wedge	<code>\bigwedge</code>	\uplus	<code>\biguplus</code>	\sqcup	<code>\bigsqcup</code>
lim	<code>\lim</code>	lim sup	<code>\limsup</code>	lim inf	<code>\liminf</code>
max	<code>\max</code>	min	<code>\min</code>	sup	<code>\sup</code>
inf	<code>\inf</code>	det	<code>\det</code>	Pr	<code>\Pr</code>
gcd	<code>\gcd</code>				

Кўп ишлатиладиган буйруқлардан яна бири интеграл белгиси учун қўлланиладиган буйруқдир. LATEXда одатий интеграл (\int) киритиш учун `\int` буйруғи, контурли интеграл (\oint) учун `\oint` буйруғи ишлатилади. Интегралнинг

киритиш юқори ва пастки индекслари ва интеграл ости функция ҳам

$$\int_0^1 x^2 dx = 1/6$$

мумкин.Масалан: $\int_0^1 x^2 dx = 1/6$

$$\int_0^1 x^2 dx = 1/6$$

\$\$\$

Агар интеграл чегаралари индексда емас, юкори ва куйи чегарада бўлиши лозим бўлса , у холда \int буйруғини \int буйруғи билан биргаликда ишлатишимиз

мумкин.Масалан: $\int_0^1 x^2 dx = 1/6$

$$\int_0^1 x^2 dx = 1/6$$

$$\int_0^1 x^2 dx = 1/6$$

\$\$\$

Агар чегаралар бошқача кўринишда бўлса яъни турли хил операторлар ва белгилардан иборат бўлса \int дан фойдаланиш мукин.Масалан:

$$\prod_{i=1}^n i = n!$$

Бошқа зарур белгилар

Биз LATEXнинг деярли барча асосий математик белгиларини кўриб ўтдик.Кейинги жадвалимизда олдинги бирор турдаги жадвалга кирмаган белгиларни кўриб ўтамыз.

∂	<code>\partial</code>	\triangle	<code>\triangle</code>	\angle	<code>\angle</code>
∞	<code>\infty</code>	\forall	<code>\forall</code>	\exists	<code>\exists</code>
\emptyset	<code>\emptyset</code>	\neg	<code>\neg</code>	\aleph	<code>\aleph</code>
$'$	<code>\prime</code>	\hbar	<code>\hbar</code>	∇	<code>\nabla</code>
\imath	<code>\imath</code>	\jmath	<code>\jmath</code>	ℓ	<code>\ell</code>
\surd	<code>\surd</code>	\flat	<code>\flat</code>	\sharp	<code>\sharp</code>
\natural	<code>\natural</code>	\top	<code>\top</code>	\perp	<code>\perp</code>
\wp	<code>\wp</code>	\Re	<code>\Re</code>	\Im	<code>\Im</code>
\backslash	<code>\backslash</code>	\parallel	<code>\parallel</code>	\spadesuit	<code>\spadesuit</code>
\clubsuit	<code>\clubsuit</code>	\diamondsuit	<code>\diamondsuit</code>	\heartsuit	<code>\heartsuit</code>
\mho	<code>\mho</code>	\Box	<code>\Box</code>	\Diamond	<code>\Diamond</code>
\dagger	<code>\dagger</code>	\S	<code>\S</code>	\copyright	<code>\copyright</code>
\ddagger	<code>\ddagger</code>	\P	<code>\P</code>	\pounds	<code>\pounds</code>

Охирги 6 та формулани нафақат формулада балки матн киритишда ҳам

ишлатиш мумкин. Шунингдек бу рўйхатда бўлган `\nabla` буйруғи `\bigtriangledown` билан бир хил эмас. Енди охи­р­ги жадвалга ўтамиз. Бу жадвали­ми­зда математик белгилар жадвали келтирилган:

<code>*</code>	<code>\ast</code>	<code>\neq</code>	<code>\neq</code>
<code>\leq</code>	<code>\leq</code>	<code>\geq</code>	<code>\geq</code>
<code>[</code>	<code>\lbrack</code>	<code>]</code>	<code>\rbrack</code>
<code>{</code>	<code>\lbrace</code>	<code>}</code>	<code>\rbrace</code>
<code>\rightarrow</code>	<code>\rightarrow</code>	<code>\leftarrow</code>	<code>\leftarrow</code>
<code>\ni</code>	<code>\owns</code>	<code>\wedge</code>	<code>\land</code>
<code>\vee</code>	<code>\lor</code>	<code>\neg</code>	<code>\lnot</code>
<code>\ </code>	<code>\Vert</code>		

Формулага номер қўйиш

Математик матн ёзишда одатда қулай бўлиши учун формулага номер қўйиб, унга йўлланма(ссылка) орқали ўтилади. LATEXда йўлланмаларга автоматик ўтиш мумкин. Формулага номер қўйиш фақат формула ёзиш тугатилгандан сўнг амалга оширилади. Бу қуйидагича амалга оширилади.

Формула ёзиш танасида екуатион(`$$` белгисидан фойдаланилмайди)дан фойдаланилса LATEX формула номерини автоматик тарзда аниқлайди ва натижага чиқаради. Шунингдек `\begin{equation}` ва `\end{equation}` буйруқлари орасида формула номи, қай кўринишда ва қаерда жойлашишини аниқлаш учун `\label` буйруғидан фойдаланилади. Охирида `\ref` буйруғи орқали формулага изоҳларни кўрсатиш мумкин. Масалан:

```

Биринчи синф ўқувчилари буни \begin{equation}
билиши керак
$$ Биринчи синф ўқувчилари буни билиши керак $$
7 \times 9 = 63 \quad (1) \quad 7\text{\times}9=63 \quad (1)
\end{equation}

```

_____ формуладан қуйидаги натижа келиб

(`\ref{trivial}`) формуладан қуйидаги келиб

чиқади. $63/9=7$

чиқади. $63/9=7$

Бу ерда `\ref` ўрнига `\pageref` буйруғидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу буйрук формула номерини эмас формула жойлашган саҳифа номерини кайтаради. Юқоридаги мисолда агар формула 8 саҳифага ёзилган десак Бу формула 8 бетда ёзилган. Бу формула `\pageref{trivial}` бетда ёзилган.

Формула номерлари кўринишлари бевосита жорий синфларга боғлиқ. Масалан артисле синфида формулага номер кўйишда тўғридан тўғри кейинги номерга ўтиб кетилади. Бооқ синфида еса аввал мавзу кейин еса нуқтадан кейин шу мавзудаги формула номери кўринишда бўлади. Масалан 2-мавзудаги 7-формула 2.7 кўринишда бўлади. Бунда албатта синфга мос кўринишлар ҳосил бўлади.

Албатта бундай стандарт кўринишлар кўп ишлатилади ва улар ортиқча ҳаракатни талаб етмайди. Лекин сиз формула номери кўринишини ўзингизга мослашингиз мумкин. Бунда `\eqno` буйруғидан фойдаланишингиз мумкин. Масалан:

Биринчи синф ўқувчилари

Биринчи синф ўқувчилари

\$\$

$$7 \times 9 = 63 \quad (3.2)$$

$$7 \times 9 = 63 \quad \text{\eqno (3.2)}$$

\$\$

ни bilishi kerak.

ни bilishi kerak.

Бу ердаги биринчи \$\$ белги формула бошланиши ва охириги \$\$ белги формула охирини кўрсатади. Шунингдек бу белгилар орасида математик ёзувларга тегишли параметрларни бериш мумкин. Масалан

\$\$

$$7 \times 9 = 63 \text{ ҳисоблаш жуда оддий}$$

$$7 \times 9 = 63 \text{ ҳисоблаш жуда оддий}$$

\$\$

Бундан кўришиб турибдики математик формула ичида ёзувни оддий усулда киритиш: мумкин эмас. Акс ҳолда Latex киритилган ёзувни курсивда чиқаради. Бу муаммони ҳал қилиш учун `\mbox` буйруғидан фойдаланамиз. Бу буйруқни шу мисолда қўлаймиз

\$\$

$$7 \times 9 = 63 \text{ ҳисоблаш жуда оддий} \quad 7 \times 9 = 63 \text{ \mbox{ ҳисоблаш жуда оддий}}$$

бўлсак `\boldmath` буйруғидан фойдаланамиз.

Латехда формулага матн киритишни тўғридан тўғри амалга ошириб бўлмайди.

$$\text{barcha } x \text{ lar uchun } \sqrt{x^2} = x$$

Бу ерда `\rm` матн шрифтини керакли кўринишга келтирсада, лекин сўзлар орасидаги бўш жой(пробел) ларни йўқота олмайди.

Формулада матн ёзиш

Математик формулада матн ёзиш `\mbox` буйруғи орқали амалга оширилади. Формула ва матн орасида бўш жойлар ҳосил қилиш учун эса `\kquad` дан фойдаланилади.

$$\text{barcha } x \text{ lar uchun } \sqrt{x^2} = x$$

Бу ерда `\mbox` буйруғи матн курсивда чиқмаслиги, сўзлар орасидаги бўш жойлар ва одатий шрифтда чиқишини таъминлайди. Шунингдек `\mbox` да шрифт турини ҳам бериш мумкин.

$$\text{barcha } x \text{ lar uchun } \sqrt{x^2} = x$$

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки `\mbox` буйруғи шрифт ўлчамини ўзгартирмайди. Буйруқ ичидаги матн ўлчами автоматик тарзда аниқланади.

Қавслар ўлчамини ўзгартириш

Одатий мураккаб бўлмаган формулаларда қавслар ўлчами автоматик тарзда аниқланади. Лекин мураккаб формулаларда махсус буйруқлардан фойдаланишга тўғри келади. Масалан қуйидаги

$$e = \lim_{n \rightarrow \infty} \left(1 + \frac{1}{n}\right)^n$$

формулада.

Агар биз одатдагидек қавс ёзмақчи бўлсак қуйидагича ёзамиз.

$$e = \lim_{n \rightarrow \infty} \left(1 + \frac{1}{n}\right)^n$$

$$e = \lim_{n \rightarrow \infty} \left(1 + \frac{1}{n}\right)^n$$

Кўриниб турибдики бундай кўриниш унча қулай эмас. Қавслар ўлчами билан қавслар ичидаги формула ўлчами орасидаги фарқ жуда катта. Бундай вазиятларда қавс ичидаги формула билан мослаб олиш учун очилувчи қавсда \left, ёпилувчи қавсда эса \right дан фойдаланилади. Юқоридаги мисолимизда бу буйруқларни қўлласак

$$e = \lim_{n \rightarrow \infty} \left(1 + \frac{1}{n}\right)^n$$

$$e = \lim_{n \rightarrow \infty} \left(1 + \frac{1}{n}\right)^n$$

Бу ерда \frac буйруғи касрларни ёзиш учун ишлатилади. Юқоридаги мисолимиздаги \left ва \right буйруқлари орасига яна бир неча \left ва \right ларни ёзиш мумкин. \left ва \right буйруқларини нафақат (ва) кўринишдаги қавсларда балки , бошқа бир неча кўринишдаги белгиларда ҳам ишлатиш мумкин. Қуйида \left ва \right буйруқлари ёрдамида ўлчами автоматик ўзгарадиган белгилар рўйхати TEXдаги буйруқ кодлари билан келтирилган:

(())	[[
]]	{	\{	}	\}
⌊	\lfloor	⌋	\rfloor	⌈	\lceil
⌋	\rceil	⟨	\langle	⟩	\rangle
			\	/	/
\	\backslash				

Бу ердаги `\left\langle` ўрнига `\left<` ёзиш мумкин. Худди шундай `\right\rangle` ўрнига ҳам `\right>` ёзиш мумкин. Лекин бошқа вазиятларда `<` билан `\langle` бир маънода келмайди. Айрим мисолларда битта қавс катнашади. Уларни формулага мослаш учун `\left` ёки `\right` буйруқларидан кейин нукта қўйилади, бунда нукта натижавий саҳифада кўринмайди. Икки ва ундан ортиқ нукталар эса натижавий саҳифага чиқарилади.

Назорат учун саволлар.

1. Латех муҳити нима учун мўлжалланган?
2. Математик матнларни Латех тизимида тайёрлаш технологияси.
3. Латех тизимида матнни форматлаш воситалари.
4. Латех тизимида жадваллар ва расмларни чизиш.
5. Латех тизимида математик формулаларни ёзиш.
6. Латех тизимини ишга тушириш учун зарур дастурий ва техник таъминот қандай бўлиши керак?
7. Латех муҳитининг асосий имкониятлари қандай?
8. Латех тизими ойнасининг умумий тузилишини айтиб беринг.
9. Латех тизимининг горизонтал менюсининг таркибий қисмлари нималардан иборат?
10. Латех тизимида тақдимотлар тайёрлаш тартиби қандай бажарилади?

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

1–Мавзу: MathCad ва Maple тизимларида математик анализ масалаларини ечиш.

Режа:

1. MathCad ва Maple тизими.
2. Математик ифодалар ва функсиялар.
3. Алгебра ва сонлар назарияси масалаларини ечиш.

MathCad дастурини қуйидаги уч хил варианти мавжуд.

- MathCad Стандарт
- MathCad Профессионал
- MathCad Преиум

Бу дастурлар ёрдамида нафақат математикага доир масалаларни ечиш мумкин балки бу дастур ёрдамида илмий мақолалар, тезислар, диссертатсия ишларини, диплом ишларини, курс ишларини лойиҳалаш мумкин чунки бу дастур ёрдамида математик формулаларни, матнларни, графикларни жуда чиройли қилиб ифодалаш мумкин, яна бу дастур ёрдамида юқори даражада электрон дарсликлар ҳам яратиш мумкин.

The screenshot displays the Mathcad Professional interface with the following content:

- Equations:**
 - $f(x) := \sin(x)$
 - $y(x) := \cos(x)$
- Graph:** A plot showing the graphs of $f(x) = \sin(x)$ (solid red line) and $y(x) = \cos(x)$ (dashed blue line) over the interval $x \in [-10, 10]$. The y-axis ranges from -1 to 1.
- Text:** "Ikki o'lchovli funktsiyani grafigini chizishga doir"
- Calculus:**
 - $\int_1^2 e^x dx = 4.671$
 - $\frac{d}{dx} (x^4 + \cos(x)) \rightarrow 4 \cdot x^3 - \sin(x)$
- Algebra:**
 - $(x^2 + b)^3$ Expand $x^6 + 3 \cdot x^4 \cdot b + 3 \cdot x^2 \cdot b^2 + b^3$

1. расм. MathCad дастурида ишлашга доир мисоллар.

1 – мисол. $\lim_{x \rightarrow \infty} \frac{8x^{10} + 11x^9 - 1}{3x^{10} - x^7 + x^6}$ лимитни ҳисабланг.

Бу берилган лимит $\frac{\infty}{\infty}$ аниқмасликка эга, уни очиш учун касирнинг сурат ва

махражини x нинг энг юқори даражалигиси x^{10} га бўламиз.

$$\lim_{x \rightarrow \infty} \frac{8 + \frac{11}{x} - \frac{1}{x^{10}}}{3 - \frac{1}{x^3} + \frac{1}{x^6}} = \left(x \rightarrow \infty \text{ da } \frac{11}{x}, \frac{1}{x^{10}}, \frac{1}{x^3}, \frac{1}{x^6} \text{ lar } \rightarrow 0 \right) = \frac{8}{3}$$

> Лимит((8*x^10+11*x^9-1)/(3*x^10-x^7+x^6), x=инфинитй)=

лимит((8*x^10+11*x^9-1)/(3*x^10-x^7+x^6), x=инфинитй);

$$\lim_{x \rightarrow \infty} \left(\frac{8x^{10} + 11x^9 - 1}{3x^{10} - x^7 + x^6} \right) = \frac{8}{3}$$

2 – мисол. $\lim_{x \rightarrow 1} \frac{\sqrt{x+15} - \sqrt{17-x}}{x^2 + 5x - 6}$ лимитни ҳисабланг.

Бу лимит $x \rightarrow 1$ да сурат ва махражи 0 га интилгани учун $\frac{0}{0}$ аниқмаслика эга.

Бу аниқмасликни очиш учун касирни сурат ва махражини суратнинг

кўшмаси $\sqrt{x+15} + \sqrt{17-x}$ га кўпайтирамиз.

$$\begin{aligned} \lim_{x \rightarrow 1} \frac{x+15-17+x}{(x^2+5x-6)(\sqrt{x+15}+\sqrt{17-x})} &= \lim_{x \rightarrow 1} \frac{2(x-1)}{(x-1)(x+6)(\sqrt{x+15}+\sqrt{17-x})} = \\ &= \lim_{x \rightarrow 1} \frac{2}{(x+6)(\sqrt{x+15}+\sqrt{17-x})} = \frac{1}{28} \end{aligned}$$

> Лимит((сқрт(x+15)-сқрт(17-x))/(x^2+5*x-6), x=1)= лимит((сқрт(x+15)-

сқрт(17-x))/(x^2+5*x-6), x=1);

$$\lim_{x \rightarrow 1} \left(\frac{\sqrt{x+15} - \sqrt{17-x}}{x^2 + 5x - 6} \right) = \frac{1}{28}$$

3 – мисол. $\lim_{x \rightarrow 0} \frac{\operatorname{tg} x - \sin x}{x^3}$, $\left(\frac{0}{0} \right)$ лимитни ҳисабланг.

Бу лимитни ҳисаблашда функсияда шундай шакил алмаштириш керакки,

унга баринча ажойиб лимитни куллаш мумкин бўлсин.

$$\begin{aligned} \lim_{x \rightarrow 0} \frac{\frac{\sin x}{\cos x} - \sin x}{x^3} &= \lim_{x \rightarrow 0} \frac{\sin x(1 - \cos x)}{x^3 \cos x} = \lim_{x \rightarrow 0} \frac{1}{\cos x} \cdot \frac{\sin x}{x} \cdot \frac{1 - \cos x}{x^2} = \\ &= \lim_{x \rightarrow 0} \frac{1}{\cos x} \cdot \lim_{x \rightarrow 0} \frac{\sin x}{x} \cdot \lim_{x \rightarrow 0} \frac{2 \sin^2 \frac{x}{2}}{x^2} = 1 \cdot 1 \cdot \lim_{x \rightarrow 0} \frac{1}{2} \left(\frac{\sin \frac{x}{2}}{\frac{x}{2}} \right)^2 = \frac{1}{2} \left(\lim_{x \rightarrow 0} \frac{\sin \frac{x}{2}}{\frac{x}{2}} \right)^2 = \frac{1}{2} \cdot 1 = \frac{1}{2} \end{aligned}$$

> **Лимит((тан(х)-син(х))/(х^3), х=0)=**

лимит((тан(х)-син(х))/(х^3), х=0);

$$\lim_{x \rightarrow 0} \left(\frac{\tan(x) - \sin(x)}{x^3} \right) = \frac{1}{2}$$

4 - мисол. $\lim_{x \rightarrow \infty} (5x - 1)[\ln(x - 4) - \ln x]$, $(\infty - \infty)$ лимитни ҳисабланг.

Логорифмлаш қоидалари асосида:

$$\lim_{x \rightarrow \infty} (5x - 1) \ln \frac{x - 4}{x} = \lim_{x \rightarrow \infty} \ln \left(\frac{x - 4}{x} \right)^{5x - 1} = \lim_{x \rightarrow \infty} \ln \left[1 + \left(-\frac{4}{x} \right) \right]^{5x - 1}$$

$y = \ln x$, $x > 0$ функсия узуликсиз эканидан $\lim_{x \rightarrow \infty} \ln x = \ln(\lim_{x \rightarrow \infty} x)$ ўринли. Бундан:

$$\begin{aligned} \lim_{x \rightarrow \infty} \ln \left[1 + \left(-\frac{4}{x} \right) \right]^{5x - 1} &= \ln \lim_{x \rightarrow \infty} \left[\left(1 + \frac{-4}{x} \right)^x \right]^5 \lim_{x \rightarrow \infty} \left[\left(1 + \frac{-4}{x} \right) \right]^{-1} = \\ &= \ln[(e^{-4})^5 \cdot 1^{-1}] = \ln e^{-20} = -20; \end{aligned}$$

> **Лимит((5*х-1)*(лн(х-4)-лн(х)),х=инфинитй)=лимит((5*х-1)*(лн(х-4)-лн(х)),х=инфинитй);**

Рўйхат

GAUSS usulida DETERMINANTNI hisoblash :

> **рестарт; витх(ЛинейарАлгебра):**

A := <<2,3,5><7,14,25><13,12,16>>;

$$A := \begin{bmatrix} 2 & 7 & 13 \\ 3 & 14 & 12 \\ 5 & 25 & 16 \end{bmatrix}$$

> **A:=ГауссианЕлиминатион(A);**

$$A := \begin{bmatrix} 2 & 7 & 13 \\ 0 & \frac{7}{2} & -\frac{15}{2} \\ 0 & 0 & -\frac{3}{7} \end{bmatrix}$$

> $d := \text{Детерминант}(A)$;

$$d := -3$$

Қатор йиғиндиси ва кўпайтмасини ҳисоблаш

Чекли ва чексиз йиғинди $\sum_{n=a}^b S(n)$ ни тўғридан-тўғри бажариш буйруғи сум ва бажариш бекор қилинган буйруғи Сум орқали белгиланади. Бу буйруқларнинг параметрлари бир хил: $\text{Сум}(t, n=a..b)$; ва $\text{сум}(t, n=a..b)$; бу ерда t – йиғиндининг индексига боғлиқ бўлган ифода, $a..b$ – эса йиғиндини $n=a$ дан $n=b$ гача бажарилишини кўрсатувчи йиғинди индексининг чегараси.

> $\text{сум}(\text{ьк}^2\text{ь}, \text{ькь}=0..4)$;

30

> $\text{сум}(\text{ьк}^2\text{ь}, \text{ькь}=0..n)$;

$$\frac{1}{3}(n+1)^3 - \frac{1}{2}(n+1)^2 + \frac{1}{6}n + \frac{1}{6}$$

> $\text{сум}(\text{ьк}^2\text{ь}, \text{ькь})$;

$$\frac{1}{3}k^3 - \frac{1}{2}k^2 + \frac{1}{6}k$$

> $\text{сум}(\text{ьа}[k]^*x^k\text{ь}, \text{ькь}=0..4)$;

$$a_0 + a_1x + a_2x^2 + a_3x^3 + a_4x^4$$

> $\text{сум}(\text{ьа}[k]^*x^k\text{ь}, \text{ькь}=0..n)$;

$$\sum_{k=0}^n a_k x^k$$

> $\text{Сум}(\text{ьк}/(k+1)\text{ь}, \text{ькь}=0..n) = \text{сум}(\text{ьк}/(k+1)\text{ь}, \text{ькь}=0..n)$;

$$\sum_{k=0}^n \frac{k}{k+1} = n+1 - \Psi(n+2) - \gamma$$

> $\text{сум}(\text{ьк}/(k+1)\text{ь}, \text{ькь})$;

$$k - \Psi(k+1)$$

> $\text{сум}(\text{ьк}^*a^k\text{ь}, \text{ькь})$;

$$\frac{a^k(k a - k - a)}{(a-1)^2}$$

Агар чексиз қатор йиғиндисини ҳисоблаш талаб этилган бўлса юқори

чегара сифатида **инфинитй** киритилади.

$$\prod_{n=a}^b P(n)$$

кўпайтма ҳам худди шундай бевосита бажариш буйруғи

продуст(П(н),н=а..б) ва бажарилмайдиган буйруғи **Продуст П(н),н=а..б)**

ёрдамида белгиланади

> **продуст(к^2, к=1..4);**

$$576$$

> **продуст(к^2, к=1..н);**

$$\Gamma(n + 1)^2$$

> **продуст(к^2, к);**

$$\Gamma(k)^2$$

> **продуст(а[к], к=0..4);**

$$a_0 a_1 a_2 a_3 a_4$$

> **продуст(а[к], к=0..н);**

$$\prod_{k=0}^n a_k$$

> **Продуст(н+к, к=0..м) = продуст(н+к, к=0..м);**

$$\prod_{k=0}^m (n + k) = \frac{\Gamma(n + m + 1)}{\Gamma(n)}$$

> **продуст(к, к=РootOf(х^3-2));**

$$2$$

Мисоллар

1. Умумий ҳади куйидагига тенг бўлган қаторнинг тўлиқ ва *H*-қисми

йиғиндисини топинг: $a_n = \frac{1}{(3n-2)(3n+1)}$.

> **рестарт: а[н]:=1/((3*н-2)*(3*н+1));**

$$a_n := \frac{1}{(3n-2)(3n+1)}$$

> **С[Н]:=Сум(а[н], н=1..Н)=сум(а[н], н=1..Н);**

$$S_N := \sum_{n=1}^N \frac{1}{(3n-2)(3n+1)} = -\frac{1}{3} \frac{1}{3N+1} + \frac{1}{3}$$

> $S := \lim_{n \rightarrow \infty} (C[n])$, $n \rightarrow \infty$;

$$S := \frac{1}{3}$$

2. Даражали қатор қайси функцияга яқинлашади: $\sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} n^2 x^n$?

> $\sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} n^2 x^n$, $n=1.. \infty$;
 $n=1.. \infty$;

$$\sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} n^2 x^n = -\frac{x(x-1)}{(x+1)^3}$$

3. Даражали қатор йиғиндисини топинг: $\sum_{n=0}^{\infty} \frac{(1+x)^n}{(n+1)n!}$.

> $\sum_{n=0}^{\infty} \frac{(1+x)^n}{(n+1)n!}$, $n=0.. \infty$;
 $n=0.. \infty$;

$$\sum_{n=0}^{\infty} \frac{(x+1)^n}{(n+1)n!} = \frac{e^{(x+1)}(1 - e^{-(x+1)})}{x+1}$$

4. Биномиал қатор йиғиндисини топинг: $\sum_{n=1}^{\infty} C_n^4 (1-x)^n$.

> $\sum_{n=1}^{\infty} \binom{n}{4} (1-x)^n$, $n=1.. \infty$;
 $n=1.. \infty$;

$$\sum_{n=1}^{\infty} \binom{n}{4} (1-x)^n = \frac{(1-x)^4}{x^5}$$

5. Чексиз кўпайтмани ҳисобланг: $\prod_{n=2}^{\infty} \frac{n^3 - 1}{n^3 + 1}$

> $\prod_{n=2}^{\infty} \frac{(n^3-1)}{(n^3+1)}$, $n=2.. \infty$;
 $n=2.. \infty$;

$$\prod_{n=2}^{\infty} \frac{n^3 - 1}{n^3 + 1} = \frac{2}{3}$$

6. Ифодани ҳисобланг: $S = \sum_{i=1}^5 \prod_{k=1}^4 (i^2 + k^2)$

> $\sum_{i=1}^5 \prod_{k=1}^4 (i^2 + k^2)$, $i=1..5$

);

$$\sum_{i=1}^5 \left(\prod_{k=1}^4 (i+k^2) \right) = 37924$$

1-мисол. Ҳисобланг: $\frac{\sqrt{6+2\sqrt{5}} - \sqrt{6-2\sqrt{5}}}{\sqrt{3}}$. Қуйидагини теринг:

> (скрт(6+2*скрт(5))-скрт(6-2*скрт(5)))/скрт(3);

ва **Энтер** тугмачасини босамиз. Натижа ҳосил бўлади:

$$\frac{2}{3}\sqrt{3}$$

2-мисол. Формулани теринг : $\omega = \frac{\theta}{t}$ ва $|f(x) - \delta|$.

> **омега=тхета/т; абс(ф(х)-делта)<епсилон;** **Энтер** ни босамиз.

$$\omega = \frac{\theta}{t}$$

$$|-f(-3) + \delta| < \varepsilon$$

3-мисол . Қуйидаги ифоданинг қийматини $x=4$ ва $y=9$ да ҳисобланг:

$$d := \sqrt{\sqrt{x+y} + 2x^3}$$

> **x:=4:y:=9:d:= скрт(скрт(х+й)+2*х^3);**

$$d := \sqrt{\sqrt{13} + 128}$$

Чиқариш сатрида олдинги қийматни ҳосил қилиш учун % ва сонли қийматни ҳосил қилиш учун **эвалф(%)**; ёки **эвалф(ифода)**; буруқлари ишлатилади.

> **эвалф(%)**;

$$11.47194627$$

4-мисол. $c=2$, $d=1.4$ да қуйидаги ифодани қийматини ҳисобланг:

$$\frac{\sqrt{c-d}}{c^2 \cdot \sqrt{2 \cdot c}} \cdot \left(\sqrt{\frac{c-d}{c+d}} + \sqrt{\frac{c^2+c \cdot d}{c^2-c \cdot d}} \right)$$

Ечиш:

> **c:=2:d:=1.4:скрт(с-д)/(с^2*скрт(2*с))*(скрт((с-д)/(с+д))+скрт((с^2+с*д) / (с^2-с*д)));**

$$.2711630723$$

Мустақил топшириқлар

1. Сарлавҳалар сатри умумий кўринишини ўрганинг.
2. **Филе** менюсининг таркибий қисмларини очиб кўринг ва уларнинг вазифаларини тушуниб олинг.
3. **Едит** ва **Вью** менюларининг таркибий буйруқларини ўрганинг.
4. **Вью** менюсида жойлашган **Палеттес** палитраси рўйхатидан фойдаланиб турли белгилар, ҳарфлар ва ҳокозаларни киритишни ўрганинг.
5. **Инсерт** ва **Формат** менюларининг таркибий буйруқларини очиб кўринг ва уларнинг вазифаларини ўрганинг.
6. Воситалар панелининг ҳар бир тугмачасининг вазифасини маълумотлар сатри орқали билиб олинг ва улардан фойдаланишни ўрганинг.
7. Шрифтлар панели таркибий қисмларини кўринг ва уларнинг вазифаларини ўрганинг

2–Мавзу: MathCAD ва Maple тизимларида Дифференциал тенгламаларни ечимини топиш.

Режа:

1. MathCAD ва Maple тизимида математик анализ масалаларини ечиш.
2. Дифференциал тенгламаларни умумий ечимини топиш.
3. ОДТ учун Коши ва аралаш масалаларни ечиш.

Тенглама ва тенгсизлик тури.

N	Komanda	komanda ma'nosi
1	roots(Pn(x))	$P_n(x)=0$ кўпхадли тенглама
2	solve(eq,x)	$eq(x)=0$, универсал команда
3	solve({eq1, eq2,...},{x1, x2,...})	$eq_i(x_1, \dots, x_n) = 0, i = 1, \dots, n$, тенг-р системаси
4	fsolve(eq,x)	$eq(x)=0$ тенгламани тақрибий ечими
5	rsolve(eq,x)	$eq(x)=0$ рекурент тенгламани ечими
6	fsolve({eq1, eq2,...},{x1,	$eq_i(x_1, \dots, x_n) = 0, i = 1, \dots, n$, т.с. тақр-й ечиш

	$x_2, \dots \}$)	
7	<code>_EnvAllSolution:=true :</code> <code>solve(eq,{x})</code>	$eq(x)=0$, тригонометрик тенглама барча ечими
8	<code>_EnvExplicit:=true :</code> <code>solve(eq,{x,y,z})</code>	$eq_i(x_1, \dots, x_n) = 0, i = 1, \dots, n$, трансцендент тенг-р

Тенглама ва тенгсизликларни ечиш

Оддий тенгламаларни ечиш.

Maple муҳитида тенгламаларни ечиш учун универсал буйруқ **solve(t,x)** мавжуд, бу ерда **t** – тенглама, **x** – тенгламадаги номаълум ўзгарувчи. Бу буйруқнинг бажарилиши натижасида чиқариш сатрида ифода пайдо бўлади, бу ана шу тенгламанинг ечими ҳисобланади. **Масалан:**

> **solve(a*x+b=c,x);**

$$-\frac{b-c}{a}$$

Агар тенглама бир нечта ечимга эга бўлса ва ундан кейинги ҳисоблашларда фойдаланиш керак бўлса, у ҳолда **solve** буйруғига бирор-бир ном **name** берилади.. Тенгламанинг қайси ечимига муурожаот қилиш керак бўлса, унинг номи ва квадрат қавс ичида эса ечим номери ёзилади: **name[k]**.

Масалан:

> **x:=solve(x^2-a=0,x);**

$$x := \sqrt{a}, -\sqrt{a}$$

> **x[1];**

$$\sqrt{a}$$

> **x[2];**

$$-\sqrt{a}$$

Тенгламалар системасини ечиш. Тенгламалар системаси ҳам худди шундай **solve({t1,t2,...},{x1,x2,...})** буйруғи ёрдами билан ечилади, фақат энди буйруқ параметри сифатида биринчи фигурали қавсда бир- бири билан вергул билан ажратилган тенгламалар, иккинчи фигурали қавсда эса

номаълум ўзгарувчилар кетма-кетлиги ёзилади.

Агар бизга кейинги ҳисоблашларда тенгламалар системасининг ечимдан фойдаланиш ёки улар устида баъзи арифметик амалларни бажариш зарур бўлса, у ҳолда **solve** буйруғига бирор бир **name** номини бериш керак бўлади. Кейин эса таъминлаш буйруғи **assign (name)** бажарилади. Шундан кейин ечимлар устида арифметик амалларни бажариш мумкин. **Масалан:**

> **s:=solve({a*x-y=1,5*x+a*y=1},{x,y});**

$$s := \left\{ y = \frac{a-5}{a^2+5}, x = \frac{1+a}{a^2+5} \right\}$$

> **assign(s); simplify(x-y);**

$$6 \frac{1}{a^2+5}$$

Тенгламаларнинг сонли ечимини топиш. Агар транс­сентдент тенгламалар аналитик ечимга эга бўлмаса, у ҳолда тенгламанинг сонли ечимини топиш учун мах­сус буйруқ **fsolve(eq,x)**дан фойдаланилади, бу ерда ҳам параметрлар **солве** буйруғи каби кўринишда бўлади. **Масалан:**

> **x:=fsolve(cos(x)=x,x);**

$$x:=.7390851332$$

Рекуррент ва функционал тенгламаларни ечиш. **rsolve(t,f)** буйруғи ёрдамида **f** бутун функция учун **t** рекуррент тенгламани ечиш мумкин. **f(n)** функция учун баъзи бир бошланғич шартларни бериш мумкин, у ҳолда берилган рекуррент тенгламанинг хусусий ечими ҳосил бўлади. **Масалан:**

> **t:=2*f(n)=3*f(n-1)-f(n-2);**

$$eq := 2 f(n) = 3 f(n - 1) - f(n - 2)$$

> **rsolve({eq,f(1)=0,f(2)=1},f);**

$$2 - 4 \left(\frac{1}{2} \right)^n$$

Универсал буйруқ **solve** функционал тенгламаларни ечиш имконини ҳам беради, масалан:

> **F:=solve(f(x)^2-3*f(x)+2*x,f);**

$$F := \text{proc}(x) \text{RootOf}(_Z^2 - 3*_Z + 2*x) \text{end}$$

Натижада ошкор бўлмаган кўринишдаги ечим пайдо бўлади. Лекин *Maple* мухитида бундай ечимлар устида ишлаш имкони ҳам мавжуд. Функционал тенгламаларнинг ошкор бўлмаган ечимларини **convert** буйруғи ёрдамида бирор элементар функцияга алмаштириб олиш мумкин. Юқорида келтирилган мисолни давом эттирган ҳолда , ошкор кўринишдаги ечимни олиш мумкин:

> **f:=convert(F(x),radical);**

$$f := \frac{3}{2} + \frac{1}{2} \sqrt{9 - 8x}$$

Тригонометрик тенглама ва тенгсизликларни ечиш.

Тригонометрик тенламани эчиш учун қўлланилган **solve** буйруғи фақат бош ечимларни, яъни $[0, 2]$ интервалдаги ечимларни беради. Барча ечимларни олиш учун олдиндан **EnvAllSolutions:=true** қўшимча буйруқларни киритиш керак бўлади . **Масалан:**

> **_EnvAllSolutions:=true:**

> **solve(sin(x)=cos(x),x);**

